Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 130 (3631)
ЖУМА
9 ИЮНЬ 1978 Й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• *Шаҳрим—фахрим*

МАЙДОННИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Ҳамза районидаги Полторацкий майдони шу кунларда янада гўзаллашиб бормоқда. Бу ерда «Гордорстройремонт» трестининг 1-ремонт-қурилиш бошқармаси йўлсозлари йўлкаларни кенгайтириш, уларнинг атрофига тўсиқлар ўрнатиш, айланма йўлни асфальтлаш ишларини олиб боришмоқда.

Айни пайтда Ирригация ва гидротехника иншоотлари трестининг 1-ремонт-қурилиш бошқармаси майдондаги гулзорлар ва дов-дарахтлар учун суғориш водопроводлари, ёмғирлатиб суғориш мосламалари, бетонновли ариқлар ўрнатиш ишларини амалга оширмоқдалар.

Майдонда аҳоли ҳордиқ чиқарадиган жойлар вужудга келтирилиб, унинг хушманзара бурчакларига ўриндиқлар ўрнатилмоқда. Йўлсозлар ва ирригаторлар бу ердаги бунёдкорлик ишларини 20 июнга қадар тугаллашга аҳд қилишган.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Совет Иттифоқига расмий визит билан келган Швеция қироли Карл XVI Густав билан 7 июнь куни Кремлда учрашди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбатда Совет Иттифоқи билан Швеция ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косыгин кеча Ивановодаги В. И. Ленин номли камвол комбинатида, СССР 50 йиллиги номли оғир станоксозлик заводида, К. И. Фролов номли меланж комбинатида бўлди, шаҳарда савдо-сотиқнинг ташкил этилиши билан танишди.

● 1978 йил 8 июнь куни Совет Иттифоқида Ернинг сунъий йўлдошлари — «Космос — 1013», «Космос —1014», «Космос — 1015», «Космос — 1016», «Космос — 1017», «Космос — 1018», «Космос — 1019», «Космос — 1020» учирилди.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча

трактор заводининг маданият саройида ишлаб турган «Биз тракторозлармиз» халқ агиттеатрининг коллективи Ватанимиз пойтахти Москвага жўнаб кетди. Бу коллективнинг бир неча кунлик сафарга раҳбарлик қиладиган область халқ ҳаваскорлиги уйининг режиссери Александр Васильевич Заригин ҳаваскорларининг сафари муносабати билан қуйидагиларни маълум қилди:

— Тракторозларнинг бу ҳаваскорлик коллективи бир неча йилдан буён ишлаб турибди. У ўзининг ажойиб ижрочилик фаолияти билан шаҳримизда ҳаваскорлик санъатининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Яқинда бу коллектив республика агиттеатрларининг бўлиб ўтган кўригида қатнашиб биринчи ўринни эгаллаган эди. Набатда ҳаваскорларни Москва чорлади. Пойтахтдаги СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкасида ўтказиладиган Бутуниттифоқ агиттеатрларининг катта кўригида ҳамшаҳарларимиз ўз маҳоратини намойиш этишадиган бўлишди. 20 кишидан иборат бўлган коллектив жума, шанба, якшанба кунлари виставканинг театр саҳнасида талабчан жюри ва томошабинларга ўзининг янги тайёрлаган программасини кўрсатади.

Бугун

Чилонзор район партия комитети В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» китобларига бағишланган илмий-назарий конференцияни ўтказди. Конференцияда Энгельс номли чет тиллар педагогика институтининг фалсафа кафедраси мудири С. Облоқулов, КПСС тарихи кафедрасининг мудири Ж. Қалимбетов «Кичик ер» ва «Тикланиш» китобларининг катта тарихий аҳамиятга эга эканлиги, уларда мамлакатимиз халқларининг босиб ўтган жанговар йўли ёркин воқеалар ва далиллар билан атрофлича акс эттирилганлиги, ҳозирги авлодни партия ва ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда бу асарларнинг бебаҳолиги ҳақида гапирдилар.

Конференцияда Чилонзор районидаги 2-автомобиль комбинати, заргарлик заводи, қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий-тадқиқот институти, 9-ҳунар-техника билим юрти ва бошқа қатор ўқув юртларининг вакиллари Л. И. Брежневнинг асарларидан олган таассуротлари ҳақида ҳаяжонланиб гапирдилар.

● **Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси бадиий устахонасининг рассомлари янгидан бунёд этилаётган қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш павильони учун қўйиладиган паннолар, диаграммалар, манзарали суратларни тайёрлашга киришдилар.** Шу кунларда янги павильоннинг қурилиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Яқин кунлар ичида томошабинлар диққатига ҳавола қилинадиган янги павильонда асосан шаҳримиздаги машинасозлик заводлари ва конструкторлик бюроларининг коллективлари дала механизаторларига ўзидан бераётган ёрдами ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар ўрин олади.

Янги павильоннинг лойиҳасини тайёрлаган «Ташгипрогор» лойиҳа институтининг мутахассислари бу ерда иккита намойишлар зали, 90 ўринли кино зали бўлишини ҳам инобатга олишган. Янги иншоотнинг умумий майдони 2560 квадрат метрдан иборат. Қурилиш ишларини Ўзбекистон қишлоқ қурилиши министрлигининг 23-қурилиш трестига қарашли 77-механизациялашган колонаси бунёдкорлари бажармоқдалар. Бино асосан енгил металл конструкциялари, замонавий қурилиш материалларидан бунёд қилинмоқда. Қурилиш ишлари учун 800 минг сўмлик капитал маблағ сарфланяпти.

Эртага

Тельман номли маданият ва истироҳат боғида рус классик поэзиясининг кўзгуси бўлган Александр Сергеевич Пушкиннинг хотирасига бағишланган катта адабий музикали композиция бошланади.

Бу маданий тадбирни ўтказиш учун Куйбишев район маданият бўлими бир қатор тараддуд ишларини олиб борди. Поэзия байрамига айланадиган бу маросимда Алишер Навоий номли Ўзбек Давлат Академик катта театри, Горький номли рус Давлат Академик театри, Ўзбек Давлат филармониясининг симфоник оркестри, Тошкент Давлат консерваторияси маданият институти, Ҳамза номли музика билим юрти коллективлари жуда катта программада томошалар кўрсатишади. Оромгоҳга келувчилар Пушкиннинг «Евгений Онегин», «Тош меҳмон» асарлари асосида тайёрланган спектакларни кўрадилар, артистлар ижросида шоирнинг лирик шеърларини тинглайдилар. Бу ерда Пушкиннинг ҳаёти ва ижодини яхши билиш бўйича викторина ўтказилади; поэзия байрамида голиб чиққанларга муносиб мукофотлар тақдим қилинади.

● **Тошкент область касаба союзлари Совети мактаб ўқувчиларини пионер лагерларига жўнатиш ишларини тугаллайди.** Шу кунга қадар 30 мингга яқин шаҳарлик ўқувчи областнинг сўлим оромгоҳларидаги лагерларга жойлаштирилди. «Космос», «1 Май», «Мир», «Маяк», Титов номли, Сергей Тюленин номли жуда кўп лагерлар ёш авлоднинг қувноқ овози билан гавжум бўлабошлади. Шундай қилиб пионер ёзи қизғин бошланди.

Беш йилликнинг уч йили плани—СССР Конституцияси кунигача

ГРАФИКДАН ЎЗИБ

БУГУН

Тошкент шаҳар маҳаллий саноат бошқармасига қарашли тўқимачилик-галантерея фабрикасида беш йиллик бошидан бери 7 миллион сўмлик турли хил кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилди.

— Бу план топшириғидагидан қарийб 700 минг сўмлик кўпдир,— дейди фабрика директори М. Тўлаганов. — Агар иш ҳозирги суръатлар билан борса, биз СССР янги Конституцияси кунига қадар беш йилликнинг уч йили топшириғини муддатидан илгари бажарганлигимиз ҳақида рапорт беришимиз мумкин бўлади.

Фабрика коллективи савдо ташкилотларининг буюртмаси билан олимпиада рамзи тушширилган ёшлар сумкасини, шунингдек аёлларнинг шойидан ва сунъий чармдан ишланган ҳамёнини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Корхонанинг бу буюмларининг харидорлар ўртасида бозори чаққон. Коллективда ҳозир уч йиллик топшириқни адо этиб, 1979 йил ҳисобига ишлаётган ишчилар сафи тобора ортмоқда. Булар орасида полиэтилен буюмлар пайвандчиси Владимир Кулагин, бўёқчи Зайтуна Абдуганиева, прессловчи Эдуард Вайнбаум, пахтани қайта ишлаш участкасининг ишчиси Инобат Абдукаримова ва бошқалар бор. Мусобақа пешқадамлари 7 октябрга қадар беш йилликнинг 3.5—4 йили топшириғини адо этишга аҳд қилишган.



Коммунистик меҳнат зарбдори Нина Денисова Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасининг зарбдор ишчиси. Корхонада анчадан буён баракали меҳнат қилиб келаётган бу моҳир пойафзалчи март ойидан буён ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: Н. Денисова. М. Нуриддинов фотоси.

• *Истеъмол буюмларига кенг йўл*

ЙИГИРМА БЕШ НОМДА

Ёг-мой комбинатининг цехларидан ҳар куни аҳоли дастурхони учун йигирма беш номда турли хил маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Булардан уч хили Давлат Сифат белгиси билан тайёрланмоқда. «Баҳор», «Провансал» ҳамда гармдорили майонезлар шундай номга сазовор бўлди.

Корхонанинг барча ишлаб чиқариш цехлари илғорликка эришмоқда. Шу туфайли коллектив ишлаб чиқариш графигидан ўн кун олдинда бормоқда.

БУГУН

комбинат коллективининг йил бошидан буён планга қўшимча реализация қилган маҳсулотлари бир ярим миллион сўмликка етди. Аҳолига кўплаб пахта ёғи, оқартирилган ёғ, етти хил маргарин, тўрт хил майонез ва саломаслар етказиб берилди.

— Шуниси қувончлики,— дейди планишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Р. П. Терехина,— коллективимиз зарбдор йилда планга қўшимча икки миллион сўмлик ҳажмда маҳсулот реализация қилишга сўз берган эди. Меҳнаткашларнинг фидокорлиги туфайли бу марра муддатидан илгари эгалланадиган бўлди.

Меҳнаткашлар ўртасидаги социалистик мусобақада маргарин цехининг оператор Вера Елефина, автоклав цехининг гидрогенизаторчиси Рафиқ Муродов, ёг-экстракт заводи слесари Саксонбой Ражабов ва бошқалар пешқадамлик қилишмоқда. Цехлараро социалистик мусобақада эса, коммунист Ҳабибулла Раҳматуллаев бошчилик қилаётган автоклав цехи меҳнатчилари олдинда боришмоқда.

• *Шаҳар—қишлоққа*

ТЎЙИМЛИ ОЗУҚА

Ҳар куни эрталаб 4-дон маҳсулотлари комбинати дарвозаси олдида юк машиналари қаторлашиб туради. Областимизнинг колхоз ва совхозлари, бўрдоқичилик базаларидан келган бу машиналарга бир зумда транспортёр орқали омухта ем ортилади. Бу омухта ем таркибида углеводлар, ун ва ёғ бор. Шунингдек, у микроқўшимча билан таъминланган.

Чорвадорлар бу емни бажонидил сотиб оладилар. Омухта ем цехи коллективи ҳам шунга яраша маҳсулот сифатини янада яхшилаш, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш учун зўр бериб ҳаракат қиляпти. Йил бошидан бери бу ерда 18 минг тонна маҳсулот тайёрланди. Коллектив бу рақамни йил охиригача 42 минг тоннага етказиш ниятида.

Кейинги пайтларда цехда янги транспортёрлар ўрнатилганлиги, оқсил моддасини узатувчи конвейер ишга туширилганлиги қўл меҳнатини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш имконини берди.

ЁНИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА РЕСУРСЛАРИДАН ТЕЖАБ-ТЕРГАБ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Тадбирлар жорий этилмоқда

«Главташкентстрой»нинг «Промэнерго» саноат корхоналари бошқармаси корхоналари учун тежамкорлик режимига қатъий амал қилишнинг муҳим аҳамияти бор. Чунки бу бошқарма Шимолий, Жанубий, Жанубий-Ғарбий саноат зонасини ва 6-темир-бетон буюмлари заводини иссиқлик энергияси билан таъминлайди.

Булар ҳаммаси иссиқлик ва электр энергиядан фойдаланиш қоидаларига қатъий амал қилишни, қозон агрегатларидан тўғри фойдаланишни тақозо этади. Корхонада ускуналардан омилкорлик билан фойдаланишга катта эътибор бериляпти. Мутахассислар иссиқлик ва электр қувватини сарфлашни камайтириш имконини берадиган ташкилий-техник тадбирлар комплексини жорий этиляпти.

Фақат 1977 йилнинг ўзида «Промэнерго» бошқармасида энергия ресурсларини тежаш бўйича бир қатор самарали тадбирлар жорий этилди. Жумладан, 20 тонналик буғ қозони реконструкция қилинганлиги натижасида иссиқлик йўқолиш камайди, конденсатни ишлаб чиқаришдан қабул қилиб олиш автоматлаштирилди. Газмазут қозонлари реконструкция қилинди. Тежамкорликда халқ контроли постлари ва «Комсомол прожектори»нинг улуши салмоқли бўляпти. Булар ҳаммаси ўтган йили ва шу йилнинг беш ойида 3.170 тонна шартли ёнилғи ва бир миллион киловатт-соат электр қувватини тежаш имконини берди.

Иссиқлик энергиясидан омилкорлик билан фойдаланиш устидан мунтазам назорат ўрнатиш мақсадида корхонада иссиқлик назорати хизмати ташкил этилди. У приборларнинг созлигини, иссиқлик тармоқларининг изоляцияси ҳолатини, бевосита саноат корхоналарида иссиқликдан омилкорлик билан фойдаланишни кузатади.

Гап шундаки, айрим корхоналар таъминотчига конденсатни қайтариб беришмайди, иссиқлик энергиясидан тўғри ва омилкорлик билан фойдаланишга дуруст эътибор беришмайди. Булар орасида «Жилстрой» трести 3-йирик панелли уйсозлик заводи, Ўзбекистон кардлар жамиятининг 1-ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси бор. Улар ёнилғидан, иссиқлик энергиясидан фойдаланишга тартибга риоя қилмайдилар. Айрим участкаларда иссиқлик изоляцияси тармоқлари тикланмайди, трубалардаги ва фланслардаги ёриқлар бекитилмайди. Биз саноат корхоналарини иссиқ сув билан иситишга ўтказиш натижасида анчагина буғни тежаб қолишни кутяпмиз.

Р. ЦОЙ,
«Главташкентстрой»нинг «Промэнерго» саноат корхоналари бошқармаси ишлаб чиқариш-техника бўлимининг катта инженери.

ЙИЛЛИК ПЛАН—САККИЗ ОЙДА

Учинчи таксомотор парки коллективининг социалистик мажбуриятларининг бандларидан бирида шундай дейилган: «Планга қўшимча 400 минг сўмлик даромад олинади, минглаб литр бензин тежалади». Бугунги кунда шуни дадил айтиш мумкинки, корхона меҳнаткашлари ўз ваъдаларига вафо қилишяпти. Фақат тўрт ой мобайнида улар 16 минг литр бензин тежашди. Бунга меҳнатни илмий ташкил этиш, социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини, ҳайдовчиларнинг маҳоратини ошириш туфайли эришилди. Таксопаркда ҳар куни барча бригадаларнинг иши назорат қилинади ва бир пайтнинг ўзида бир машина ҳам меҳнат кунига яроқсиз деб топилмаяпти.

Ҳозир юздан ортиқ ҳайдовчи ишлаб чиқариш илғори Р. А. Муҳамедовнинг йиллик планини саккиз ойда бажариш, ҳар куни бир литрдан бензин тежаш ташаббусини қўллаб-қувватлади. Булар орасида Б. Соатхўжаев, В. Зайцев, Р. Орлов ва бошқалар бор.

АВТОМОБИЛЧИЛАР ТАШАББУСИ МАЪҚУЛЛАНДИ

БУГУН

Марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трести автохўжаликлари коллективлари йил бошидан бери 500 минг литр ёнилғи мойлаш материалларини тежадилар. Фақат йилнинг биринчи квартлининг ўзида 167 минг киловатт-соат электр энергияси, шунингдек 325 комплект резина шиналари тежалди.

Трестнинг автокорхоналари коллективлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йил планини тўла ва оширибажариш учун социалистик мусобақани кенг кулоч ёйдириш тўғрисидаги Мактубига жавобан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун курашни кучайтирдилар. Иқтисод ва тежамкорлик учун, вақтнинг бекорга йўқолиши учун, ёнилғи-мойлаш материалларини, электр энергиясини, ёнилғини тежаш учун юриш бошладилар. Автокорхоналарда ва колонналарда «Ҳар килограмм металдан, ҳар литр бензиндан омилкорлик билан фойдаланайлик!» шиори остида социалистик мусобақа кенг кулоч ёйди.

Тежамкорлик режимини кучайтириш учун курашда 2505, 2512, 2521-автоколоннал а р, 3 автокомбинат коллективлари юксак самарадорликка эришдилар. Бу ерда ҳаракатнинг рационал маршрутлари, автопоездлар кенг жорий этиляпти, двигателлар ишини назорат қилиш узелларини синаш, диагностика постлари жорий этилди. У ўз самарасини беряпти. Фақат 2512-автоколоннани н г ўзида йилнинг тўрт ойи мобайнида 50 минг литр ёнилғи, 3-автокомбинатда 150 минг киловатт-соатдан кўпроқ электр қуввати тежалди.

Марказлашган усулда юк ташиш Тошкент шаҳар автомобиль трести корхоналари коллективларининг меҳнат, моддий ва ёнилғи-энергетика ресурсларидан 1978 йилда омилкорлик билан фойдаланиш бўйича ташаббуси Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министрлиги коллегияси ва автомобиль транспорти ва тош йўллар ишчилари касаба союзи республика комитети томонидан маъқулланди.

Фойдали таклифлар

«Ҳамма нарсани тежаб, тергаб сарфлайлик»— бу шиор Тошкент асбестсозлик заводида кенг ёйилди. Бу ерда ҳар килограмм металл, ҳар литр ёнилғи, ҳар кубометр ёғочдан оқилона фойдаланишади. Лекин завод меҳнаткашлари айниқса электр қувватини тежаб-тергаб сарфлашда юксак натижаларга эришдилар. Тежамкорлик режимини кучайтириш масаласига комплекс ёндошилганлиги муваффақиятнинг муҳим омили бўлди. Завод коллективи йил бошида қабул қилган социалистик мажбуриятларнинг бандларидан бирида шундай дейилади: «Йил мобайнида 411 минг киловатт-соат электр қуввати тежалади. Мажбуриятларнинг бу бандини бажариш учун ҳар бир ишчи тежамкорликда ўзига ҳисоб очди. Бу социалистик мусобақани янада таъсирчан ва самарали бўлишини таъминлади. Ишчилар ташаббуси натижасида ишлаб чиқаришга ўнлаб қимматли таклифлар киритилди. Бу таклифлар ёнилғи-энергетика ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланишга қаратилганди.

Жумладан, корхонанинг 1, 10, 12-цехларида эски, ҳар сменада 70 киловатт-соат электр қуввати истеъмол қиладиган револьверли станоклар ўрнига янги, ҳар сменада 30 киловатт-соатдан кўп электр қуввати истеъмол қилмайдиган станоклар ўрнатилди. Мана шу янгиликнинг ўзи 50 минг киловатт-соат электр қувватини тежаш имконини берди.

Корхонанинг халқ контролёрлари таклифи билан ёритиш системаси реконструкция қилинди. Янги ўрнатилган лампалар цехларни илгаригисидан яхши ёритишдан ташқари, кам электр қувват истеъмол қилади.

4-цех ишчилари қимматли таклиф билан чиқишди. Уларнинг таклифи билан бир қатор электр печларнинг иссиқлик изоляцияси анча яхшиланди. У ҳам бир неча минг киловатт-соат электр қувватини тежаш имконини берди.

П. ШАПИРО.

● ФУТБОЛ

ФАХРЛИ СОВРИН УЧУН

Фахрли совриндан —футбол бўйича СССР Кубогининг дастлабки чоракфинал учрашувлари бўлиб ўтди. Бу учрашувларнинг ҳаммаси кубок ўйинларига хос кескин кураш вазиятида ўтди.

Москвада маҳаллий «Локомотив» футболчилари бу йилги мамлакат чемпионатининг пешқадамлари — Тбилиси динамочиларини қабул қилган эдилар. Ўйин 1:0 ҳисобида темирйўлчилар фойдасига тугади.

Киевдаги учрашув айниқса қизиқарли ўтди. Ўйиннинг биринчи тайм-идан сўнг майдон эгалари — динамочилар 2:0 ҳисобида олдинда эдилар. Иккинчи таймда «Зенит» икки тўп киритишга муваффақ бўлди. Аммо барибир учрашувни 2:3 ҳисобида бой берди.

Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Динамо» (Москва) — «Торпедо» —2:1, «Шахтёр» — «Нефтчи» — 1:1,

Командаларнинг тақрорий учрашувлари 21 июнда бўлиб ўтади.

ҚАДИМГИ РИСОЛА ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Урта асрлик математик ва астроном Муҳаммад Бин Муса Хоразмий номи ҳаётлиги чоғида — IX асрдаёқ яхши маълум эди. Унинг «Китоб Ал-Жабр вал-Муқобала» китоби бўйича Осиёдагина эмас, Европада ҳам математиканы ўрганишарди. Бу китоб лотин тилига таржима қилинган эди. Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясида сценарийчи ва режиссёр Солн Давлатов суратга олган лента шу қадимги рисолага бағишланган. Картина алгебрани биринчи бор математиканинг мустақил соҳаси деб қараган олим асарининг аҳамияти тўғрисида ҳикоя қиладн. «Ал-Жабр— алгебра» деб аталган бу фильмда республиканинг таниқли олимларига сўз берилган.

(ЎзТАГ).

телетайп лентасидан

● ВАРШАВА. Польшада саноат, қишлоқ хўжалик ва жамоат аҳамиятидаги биноларни енгил металл конструкциялардан қуришнинг янги прогрессив методи тобора кенг ёйилмоқда. Шу беш йилликнинг дастлабки икки йилида жами саҳни бир миллион квадрат метр чамаси келадиган турли объектлар мана шу метод билан қурилди.

● ЖАКАРТА. Бу ерда Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари уюшмаси (АСЕАН) экономика министрларининг кенгаши очилди. Бу уюшмага Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд ва Филиппин киради. Кенгаш қатнашчилари иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш йўлларини муҳокама қиладилар.

● ҚОБУЛ. Афғонистон Демократик Республикаси ҳукуматининг асосий вазифаларидан бири саводсизликка қарши курашдир,— деди республика маориф министри Д. Панжшири. Қишлоқларда ишлашга қилинган даъватга жавобан юзлаб йигит-қизлар мамлакатнинг олисолис районларига жўнаб кетдилар.

Министр ҳукумат ўтказаётган тадбирларни бутун Афғонистон аҳолиси тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганли г и н и айтди. Мамлакатда янги мактаблар қуриш, ва эскиларини реконструкция қилиш учун маблағ тўплаш авж олдириб юборилди. 1978—1979 йил. ларнинг ўзидагина шу маблағларга 62 та янги мактаб қурилади, мавжуд юзтаси кенгайтирилади.

● ВЕНА. Инсбрукда космик фазони тадқиқ этиш халқаро комитети (КОСПАР) XXI сессиясининг ялпи мажлиси очилди. Кун тартибида космик фазо тадқиқотларига доир бир қанча масалалар бор.

Сессияда 34 мамлакатдан олимлар ва мутахассислар, шу жумладан совет делегацияси қатнашмоқда.

● БОНН. Ғарбий Германиялик орнитологлар қушларни муҳофаза қилиш немис союзи (ГФР) билан биргаликда одамнинг алоҳида муҳофазасига муҳтож «1978 йил паррандаси»ни сайладилар. Турна шундай қуш бўлди. Ғарбий Германиянинг бутун территориясида атиги 16 жуфт турна борлиги ҳисоблаб чиқилган. Ҳозир шу йилга ишлаб чиқилган махсус программа бўйича «Қизил дафтар»га ёзилган шу паррандани муҳофаза қилиш кучайтирилади.

(ТАСС).


ОБЪЕКТИВДА — ЧЕХОСЛОВАКИЯ

Брно шаҳрида бўлиб ўтган кенг истеъмол товарларининг IX халқаро ярмаркаси социалистик мамлакатлар қўлга киритган ютуқларининг улкан кўригига айланди. Ярмаркада жаҳоннинг 31 мамлакатидан 800 дан зиёд ташқи савдо фирмалари ва ташкилотлари ўз маҳсулотларини намойиш этдилар.

СУРАТДА: Совет ва Польша корхоналарининг маҳсулотлари кўйилган стендлар.

ЧТК—ТАСС фотоси.





ИШЧИ — ХАМКАСБИ ҲАҚИДА

ЁШЛАР САРДОРИ

«Меҳнат қилган — элда азиз», дейди доно халқимиз. Муборак Адиатуллин бу нақлнинг нечоғлик ҳақиқат эканлигига ўз ҳаётида юз фоиз амин бўлди.

Мана йигирма беш йилдирки, у гигант тўқимачилик комбинатида баракали меҳнат қилиб келяпти. Ташаббускорлиги, жонкуярлиги ва ҳалол меҳнати туфайли бригина гул босиш цехида эмас, пардозлаш фабрикасида, қолаверса бутун комбинат коллективи ўртасида обрў-эътибор қозонди.

Муборак ака сардорлик қилаётган коммунистик меҳнат бригадасига Давлат Сифат белгисига сазовор бўлган «Ягодка», маль-маль, «647» артикулли сатин ва бошқа газламаларга гул босиш топширилган. Улар бу фахрли ва шарафли ишни муваффақиятли бажаришб, ойлик плантопшириқларини 110-115 процент адо этишяпти.

— Цехимизда меҳнат қилаётган ишчиларнинг асосий қисмини комсомол-ёшлар ташкил этади,— дейди бригада етакчиси Муборак ака Адиатуллин. — Шунинг учун бизда мураббийчилик ҳаракати кенг авж олган. Донгдор тўқувчи А. Верзилинанинг «Шогирд мураббийга тенглашсин» ташаббусини цехимиз ёшлари ҳам, ветеранлари ҳам қўллаб-қувватлашган. Тажрибали ишчиларимиз уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб келишяпти. Бу эса ўз натижасини бермоқда. Бугунги кунда А. Евдокимов, Р. Бойазитов, Р. Собиров каби ёшларимиз смена топшириқларини ортиғи билан адо этишиб, коллектив ютуғига салмоқли ҳисса қўшишяпти.

Р. АСЛОНОВ,
тўқимачилик комбинати пардозлаш фабрикасининг гул босиш цехи ишчиси.

СУРАТДА: бригада сардори М. Аднатуллин (ўртада) ўз шогирдлари билан суҳбатлашмоқда.

В. Апасов фотоси.



Тошкент марказий телеграфи қошида телеграмма— информация материалларини қабул қилиш ва узатиш бўйича янги магистрал каналлар участкаси ишга тушди. Бу участкага ўрнатилган барча асбоб-ускуналар Югославиянинг «Тесла» фирмасида тайёрланган.

СУРАТДА: марказий телеграфнинг катта инженери Виктор Касьянов АТ—ПС аппаратлари ишини кўздан кечирмоқда.

К. Исоқов фотоси.

• *Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?*

ГРАФИККА АМАЛ ҚИЛИБ

Пойтахтимиз йил сайин кенгайиб боряётганлиги, янги массивлар, проспект ва кўчаларнинг бунёд этилаётганлигига мувофиқ ҳолда шаҳар пассажир автотранспорти тармоқлари ҳам тубдан ривожланмоқда. Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида кўпгина янги маршрутлар очилиб, бу маршрутларда хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, йўловчиларнинг қимматли вақтларини тежаш борасида ҳам кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Шаҳар пассажир автотранспорти ишида муҳим аҳамиятга эга бўлган бизнинг 1-автопаркимиз ҳам ҳозир 11 маршрутда пойтахтимиз аҳолисига хизмат кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда бу маршрутларда янги автобуслар йўлга қўйилди. Қатнов графиклари ва уларга қатъий риоя қилиш борасида ҳам бир қатор ютуқлар қўлга киритилди. Бунда албатта бутун коллективимиз меҳнат аҳлининг ўз бурчларини пухта ҳис этишлари, шаҳар транспорти ишини пухта ташкил этиш масъулиятли вазифалардан бири эканлигини яхши идрок этишлари асосий роль ўйнади.

Хизмат кўрсатиш маданиятини оширишда ҳаракат хавфсизлиги тадбирларига алоҳида аҳамият бериш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам яқинда автохўжалигимизда «Аварияcиз ишлаганлиги учун» нишони жорий этилди.

Апрель ойида бўлиб ўтган ҳаракат хавфсизлиги ойлиги натижаларига кўра 11 хайдовчига биринчи, иккинчи ва учинчи даражали нишонлар берилди. 26-автобус маршрутининг бригадири Б. Пюпов, 37-экспресс маршрути бригадири И. Абдуқодиров, 15-маршрут бригадири Б. Хонкелдиевлар биринчи даражали «Аварияcиз ишлаганлиги учун» нишонлари билан мукоофтланишди. Шунингдек, уларга қимматбаҳо совғалар ҳам берилди. Маршрутлар ишини янада яхшилаш мақсадида прогрессив иш усулларини қўллаш, ҳар бир автобуснинг иш унумдорлигини оширишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Масалан, И. Абдуқодиров бошлиқ 37-экспресс автобус маршрути коллективи бригада пудрати асосида ишлашга ўтказилмоқда. Бу графикка қатъий амал қилиш, бугун маршрутда қатнаётган барча ҳайдовчиларнинг умумий иш натижалари учун биргаликда ҳаракат қилишларида муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, барча ҳайдовчилар қайси маршрутда хизмат қилаётганидан қатъий назар автопаркка қарашли 11та автобус маршрути билан таништириб чиқилди. Автохўжалигимиз маршрутлар ҳаракати бўлими томонидан ўтказилган бу тадбир ҳам яхши самара бермоқда. Бу тадбир шунинг учун ҳам муҳимки, бирор маршрутда график бузилиш хавфи сезилса, ёки йўловчилар кўпайиб кетса, ўша маршрутга бошқа маршрутлардан автобус олиб қўшиш имкони вужудга келади. Масалан, 26, 15, 52-автобус маршрутларида баъзан шундай ҳоллар бўлади. Худди шу пайтда маршрутлар ишини осонгина координациялаш орқали проблемалар муваффақиятли ҳал этилмоқда.

Автохўжалигимиз коллективи ҳаракат хавфсизлиги ойлигидан ҳам яхши кўрсаткичлар билан ўтди. 52-маршрут ҳайдовчиси А. Отақулов ва Н. Поповлар, 61-маршрут шофери Смирновлар ойликда яхши натижаларга эришишди. Ҳозир ҳар куни 11 маршрут бўйича 92 та автобус йўлга чиқиб, 2981 та рейс бажармоқда. Бажарилаётган ҳар бир рейснинг фойдали иш коэффициентини ошириш, йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиб, графикка қатъий амал қилишни таъминлаш автохўжалигимиз коллективининг шарафли вазифаларидан ҳисобланади.

Яқинда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида 63-маршрутда янги автобус тўхташ бекати жорий этилди. 26-маршрутнинг қатнов вақти эса тўрт минутга узайтирилди. Бу ҳам маршрутдаги автобусларнинг эркин ҳаракат қилишига, энг муҳими, графикни бузмаган ҳолда хавфсиз қатнашига имкон бермоқда.

Шу кунларда автохўжалигимиз коллективининг асосий диққат-эътибори маршрутларда ҳаракат узлуксизлигини таъминлаш, йўловчиларни бекатларда маҳтал қилиб қўймаслик учун барча бўлинмалар ишини намунали ташкил этишга қаратилган.

Б. БОБОЖОНОВ,
«Главташ а с с а в т о-транс»га қарашли 1-автопарк йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими бошлиғи.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ХАТЛАР

● УЧИНЧИ СЕМЕСТР ТАРАДДУДИ

МЕҲНАТГА ШАЙЛАНИШМОҚДА

Ўрта Осиё медицина педиатрия институтида меҳнат семестрини ўтказувчи штаб тузилди. Шу кунга қадар унга 350 студент зарбдор қурилишларда меҳнат қилиш истагини билдириб, ариза топширди.

Институт студентлари ўтган йили зарбдор меҳнат қилиб 365 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришган эди.

Бўлажак шифокорлар шонли Ленин комсомолининг 60 йиллик юбилейи нишонланадиган зарбдор меҳнат йилида янада баракали меҳнат қилишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйганлар. Институтнинг 200 нафар студентидан иборат тўрт отряди кардош Қозоғистон ССРнинг Манғишлоқ область Манғишлоқ станциясидаги омборхона қурилишида ҳамда уч қаватли турар жой биноларини бунёд этишда иштирок этишади.

Студент-бунёдкорлар Ленин комсомолининг тўйини муносиб кутиб олиш учун ёзги меҳнат семестрида фаол иштирок этиб, 500 минг сўмлик қурилиш-монтаж ва пардозлаш ишларини амалга оширишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар.

Г. БОЛТАБОЕВА,
Ш. ҲИДОЯТОВ.

• *Беш йиллик вахтасида*

КЎП ВА СИФАТЛИ

«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси — шаҳар маҳаллий саноатининг йирик корхоналаридан саналади. Хотин-қизлар учун миллий кўйлаклар ва бошқа буюмлар тикишга ихтисослашган корхона коллективи ўз зиммасига юклатилган вазифани муваффақиятли адо этиш, савдо тармоқларига кўп ва сифатли буюмлар чиқариш учун бутун имкониятларини ишга соляпти.

Бирлашма чеварлари ўтган йили самарали меҳнат қилиб, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 101 процент, реализация планини 102 процент бажариб, 11,7 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаганди. Ишлаб чиқариш ҳажми катта ва маҳсулот ҳилма-хил бўлишига қарамасдан чеварлар бу йил ҳам юксак натижаларга эришиш учун интилишяпти. Корхонанинг Б. Шоисирова, П. Казаков, Р. Ҳамидуллина, Ш. Баратов каби чеварлари шахсий ўнинчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари адо этиб, ҳозир ўн биринчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот топширишяпти. Бу чеварлар СССР янги Конституцияси куни шарафига оширилган мажбуриятлар олиб, смена топшириқларини мунтазам 1,5—2 ҳисса ортиғи билан адо этишяпти. Мана шундай пешқадам ишчиларнинг ғайрати билан бирлашма ойлик, квартал топшириқларини ортиғи билан адо этяпти. Корхонада йил бошидан бери 5 миллион сўмликдан ортиқ кенг истеъмол буюмлари тайёрланиб, бешойлик топшириқ асосий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажарилди. Биринчи кварталда бу ерда аёлларнинг пахмоқдан тикилган европача ҳалатлари, чақалоқлар учун комплектлар тикиш ўзлаштирилганди. Шу кунгача бу буюмлардан 5 минг сўмликдан ортиғи тайёрланди.

Т. ЮНУСОВА,
жамоатчи мухбиримиз.

• *Фан оламида*

ФОЙДАЛИ КЕНГАШ

Шаҳар техника уйининг мажлислар залида республика илмий-техника жамияти кенгаши, шу кенгашнинг полимер материалларини халқ хўжалигида қўллаш комитети, А. Р. Беруний номли Тошкент политехника институти ва Тошкент техника уйи ташаббуси билан «Полимер материалларини халқ хўжалигида қўллаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари» деган мавзуда республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Тошкент-политехника институти химия-технология факультетининг декани, техника фанлари доктори, профессор Т. Р. Абдурашидов уни аниқ мисолларда полимер материалларининг республика миқёсида тутган ўрни ҳақида гапирди. Ўзбекистон ССР Госплани химия бўлими бошлиғи У. Д. Далабоев «Ўзбекистонда пластмасса ишлаб чиқариш ва уларни халқ хўжалигида қўллаш истиқболлари» деган мавзуда доклад қилди. Яна бир қанча мавзуларда қизиқарли докладлар тингланди.

Кенгаш охирида Ўзбекистонда химия саноатининг энг асосий тармоқларидан бири бўлган ва халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг қўламда фойдаланилаётган пластмасса ишлаб чиқариш тармоғини янада кенгайтириш юзасидан қатор тадбирларни амалга ошириш бўйича тавсиялар қабул қилинди.

Т. АЪЗАМОВ,
аспирант.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

КЎНГИЛЛИ ДАМ ОЛИБ

Езнинг иссиқ кунлари бошланди. Шаҳримиздаги мактаб ўқувчилари ўзларининг ёзги дам олиш кунларини шаҳримиз атрофида жойлашган пионер лагерларида кўнгилли ўтказиш учун отланишмоқда.

Кузи кеча Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси ишчилари ва хизматчиларининг фарзандларидан 360 кичкинтой Чирчиқ шаҳри атрофига жойлашган «Ласточка» санаторий-пионер лагерига дам олиш учун келишди. Бу йил ана шу пионер лагерида босмахона ва редакциялар ишчи ва хизматчиларининг мингдан ортиқ фарзандлари дам олишади. Бу ерда уларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариб, шифо топишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган.

21 июндан бошлаб яна 360 кичкинтой Бўстонлиқ районидаги Бурчмулла қишлоғига жойлашган «Гагарин» пионер лагерида ҳордиқ чиқариш учун йўл олишади. Ҳозир бу пионер лагерида кичкинтойларга барча шароитлар яратилиб, бинолар тўла ремонтдан чиқарилмоқда.

Ф. РАҲИМОВ.

...ТАКЛИФ ЭТАДИ...

ЯХШИ БЎЛАРДИ

Шаҳримизда тўрт ва ундан ортиқ кўп қаватли турар жой бинолари ой сайин кўпайиб бормоқда. Бу ерда истиқомат қилаётган ҳамшаҳарларимиз ана шу уйларда улар учун яратилаётган барча қулайликлардан мамнун бўлишмоқда.

Ҳозир шаҳардаги жуда кўп уйларга кираверишда хонадонларнинг рақамлари кўрсатилган белгилар бор. Бизнинг бирдан бир истагимиз шуки, ана шу рақамлар ёнига ЖЭК ва уй-жой бошқармаси хизматчилари томонидан ана шу хоналарда истиқомат қилувчиларнинг квартираси номери ёнига уларнинг фамилияси ёзиб қўйилса. Ана шунда ҳар бир ҳамшаҳримиз ва бу ерга ташриф буюрувчи меҳмонлар учун квартираларда истиқомат қилувчи қариндошларини, таниш-билишларини топиш осон бўларди.

А. ИСОҚОВ, Х. ҲУСНИДДИНОВ, Р. РАҲИМОВ ва бошқалар.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

Айтавериб чарчадик

Бир неча ойдирки, Киров районидаги Ишчилар шаҳарчасидаги 3, Нобулов кўчасининг санитария ҳолати ёмон аҳволда. Кўчани супурадиган ва озодагарчилигига эътибор берадиган фаррошлар мана уч ойдан бери бу ерни бирон марта ҳам супурганлари йўқ. Мазкур территорияда магазин, ошхона ва 107, 108-маршрутдаги автобусларнинг тўхташ бекати жойлашган бўлишига қарамасдан ҳамиша чиқиндиларга тўлиб ётади.

Биз бу ҳақда район ободонлаштириш бошқармаси ходимларини хабардор қилдик. Лекин улар ваъдадан нарига ўтишмаяпти. Бизга ваъда эмас, кўчаларимизнинг ҳамиша озода ва кўркам бўлиши учун ғамхўрлик қиладиган фаррошлар керак.

Н. АБДУЛЛАЕВ,
«Туркқўрғон» маҳалласи комитетининг раиси, меҳнат ветерани.

ДАРАХТНИ КИМ СИНДИРДИ?

Илҳом ота кўп вақтини уйи атрофидаги дарахтларни парваришлашга, гулларнинг чаман бўлиб очилиб туришига сарфлайди. Унинг ғайратидан, қилаётган ишларидан кўпчилик жуда хурсанд. Чунки яшаб турган уй атрофи доимо кўкаламзор бўлса қандай яхши! Лекин яқинда Илҳом отага жуда ҳам алам қилди. Эрталаб яхши кайфият билан уйғонган ота ҳовлига тушдию, авзойи бузилди. Сабаби у меҳр билан парваришлаётган дарахтларнинг шохларини кимдир синдириб кетган эди. Шу пайт ён қўшнилари чиқиб қолди.

— Нега бунча ҳафасиз, — деб сўради у Илҳом отадан.

— Кўрмайсизми ўғлим, буни — деб кўрсатди ота синиб кетган дарахт шохларини. — Одамга жуда алам қилар экан. Ҳаммамиз шу дарахтнинг соясида ўтирайлик, у уйимиз атрофига соя ташлаб турсин десак-у, бир нонинсоф машинаси билан кириб безбетлик билан уни синдириб кетса. Бу ахир инсофданми?

— Гапингиз жуда тўғри, отахон, — дея маъқуллади ҳалиги йигит унинг гапини. — Туноҳ куни ҳам қанчадан-қанча гул кўчатларини машина пайҳон қилиб кетган эди. Билмадик, уларнинг бу қилмишига ким жавоб берар экан?

Илҳом ота бошини сарак-сарак қилганича синдириб кетилган дарахт олдидан узоқ вақт кетолмай турди.

Ҳўш, Илҳом ота Раҳмонов нега бунчалик хафа бўлди? Бунинг сабаби аниқ. Улар истиқомат қиладиган «Марказ-13» квартали, 1-уй атрофидаги кўпгина мевали дарахтларни, анвойи гулларни юк машиналари кириб пайҳон қилиб, синдириб кетмоқда.

Илҳом ота Раҳмонов ана шу ноҳушликдан жуда ранжиб, редакцияга мактуб йўллабди.

— Ўзим 74 ёшдаман, — деб ёзади отахон. — Бўш вақтимни кўпинча дарахтларни парвариш қилишга бағишлайман. — Лекин биз яшаётган кварталдаги уйлар орасига юк машиналарининг тўғридан-тўғри кириб келавериши жуда ҳам жонга тегди. Ваҳоланки, бу ерга машиналарнинг кириб келишини тақиқловчи белги қўйилган. Лекин унга ҳеч ким риоя қилмаяпти. Ҳаммадан ҳам вояга етган дарахт кўчатларини машиналар бостириб кетаётганлигини кўрганда одамнинг юраги ачишади.

Отахоннинг гапида жон бор. Шаҳримизда ҳар йили кўкаламзорлаштириш ойликлари ўтказилади. Бундан кўзда тутилган мақсад Тошкентни боғу-роғлар шаҳрига айлантиришдир. Шаҳримиз аҳолиси ана шундай хайрли ишга қўл урган бир пайтда баъзи бир ноинсоф кишиларнинг одамлар меҳнати билан ўстирган дарахтларини синдириб кетиши инсофдан эмас. Октябрь район ободонлаштириш бошқармаси, қолаверса шу кварталдаги уйларга хизмат кўрсатадиган уй-жой конторaси раҳбарлари уйлар ёнига ўзбошимчалик билан кираётган юк машиналари ҳайдовчиларининг танобини тортиб қўйишлари керак.

АДАШГАН МЕҲМОНЛАР

Шу куни Носиржон Фарғона шаҳридан келган меҳмонларни уйига таклиф этганига юз бор пушаймон бўлди. Унинг зарур бир иши чиқиб қолдию, меҳмонларга уй адресини айтиб, ўз юмуши билан кетди. Уйга қайтиб келганида меҳмонлар келишмаган эди. Бунинг сабабини аввалига унчалик тушунмай турди. Шу пайт дадаси Низомжон ака ўғлига деди:

— Меҳмонларни ўзинг уйга бошлаб келсанг бўлмасмиди, ўғлим. Меҳмонлар у ёқда турсин шу маҳаллада турадиган қўшнилар ҳам бу кўчада кечаси адашиб қолиши ҳеч гап эмаску. Менимча улар уйимизни қоронғида туртиниб-қ и д и р и б юришган бўлса керак.

Шунда Носиржон хато иш қилганини тушуниб етди. У кийиниб кўчага чиқди. У ёқ бу ёққа бориб ҳам кўрди. Кўчалар қоронғи бўлганидан кейин ким меҳмону, ким шу ерда яшайди билиш жуда қийин экан. Ярим соатлар чамаси кутиб тургандан сўнг тасодифан меҳмонларнинг қаршисидан чиқиб қолди.

— Зинистон кўчалардан қандай қилиб юрасизлар? — деб ажабланиб сўради меҳмонлардан бири Носиржондан. Уйларингизни бир соатдан бери қидирамиз-а.

Мезбон уларни юпатиб, уйга олиб келди. Лекин тўғрисини айтганда Носиржон жуда ҳам ҳижолат бўлиб қолган эди.

Бешқайрағоч массивидаги Акмал Икромов номли маҳаллада 14 та кўча бор. Бу кўчалар обод ва кўркам. Лекин ана шу 14 та кўчадан фақат Шароф Тўқимачи кўчаларидаги 1, 2-проезддаги электр устунларида онда-сонда чироқ ёниб қолади, қолган ўн иккита кўчада мутлақо чироқ йўқ. Кечалари бу ердан юришнинг қанчалик машаққатли эканлигини кўз олдингизга бир келтириб кўринг-а. Фарғонадан келган меҳмонлар ҳам ана шу кўчаларда оворан сарсон бўлиб юришган экан.

Оқшомхон пенсионер Л. Ҳамидов редакцияга йўллаган хатида Акмал Икромов номидаги маҳалладаги кўчаларда чироқларнинг йўқлигидан ўринли шикоят қилган. Биз бу ҳақда тегишли ташкилотларга бир неча марта мурожаат қилдик. Лекин аҳолининг бу талабига ҳанузгача эътибор берилганича йўқ, деб ёзади Л. Ҳамидов.

Оқшомхонинг кўпчилик номидан ёзиб юборган шикоятига шаҳарни ёритиш идораси раҳбарлари эътибор бериши керак.

ҲУШЁРБЕК.

Ҳамкасаба, қуясиз

ТОШКЕНТ ОҚШОМИДА босилганидан кейин

«БЕКАТДАГИ ҚИРОАТХОНА»

Шу сарлавҳа остида газетанинг 13 апрель сонида босилган материалда 34-Э ва 28-маршрутда қатновчи автобусларнинг иши танқид қилинган эди.

Шаҳар пассажир автотранспорт ишлаб чиқариш бош бошқармаси бу масалада қуйидагиларни маълум қилди: Бу масала 2- ва 7-автопарклар коллективлари ўртасида кўриб чиқилди. Фактлар тасдиқланди. 34-Э маршрутига қўшимча учта янги автобус ажратилди. Натижада бу маршрутда қатнов анча яхшиланди. Ҳар икки маршрут иши назорат остига олинди.

«ҚАЧОН ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ»

13 апрелда шу сарлавҳа остида босилган материалда Фрунзе районидаги айрим кўчалардан ахлат вақтида олиб кетилмаётгани танқид қилинган эди.

Район ободонлаштириш бошқармасидан олинган жавобда бу масала ҳал этилгани, Қизил Ўзбекистон, Баҳодир, Танкчилар ва Зимняя кўчаларидан ахлат вақтида олиб кетиладиган қилинди.


• *Фотоайбнома*

ЧАЛА ҚОЛГАН ИШ

С. Лазо кўчаси шаҳримиздаги обод кўчалардан биридир. Куни-кеча бу кўча қайта асфальтланиб, равоплаштирилди. Ўтган бир йил давомида бу ерда Ўрта Осиё темирйўли ишчи ва хизматчиларининг фарзандлари учун 280 ўринли болалар боғчаси, янги касалхона, поликлиника, 400 ўринли ётоқхона ва бошқа объектлар қурилиб, ишга туширилди.

Бу кўчада ётоқхона қурилишини бажарган «Ташгранспецстр о й» трестининг 2-қурилиш бошқармаси, 3-трестнинг 5-қурилиш бошқармаси ҳамда Пардозлаш трестининг 31-қурилиш бошқармаси қурувчилари қурилиш қолдиқлари, темир-бетон синиқлари кабиуюм-уюм чиқитларни қолдириб жўнаб қолишди. Энди эса уни тозалайдиган бирор мутасадди топилмаяпти. Ҳўш, бу обод кўчадаги чиқитлар қачонгача шу аҳволда қолаверади? Ҳар бири 500-1000 килограммли бочка, қурилиш материаллари, темиртерсакларни олиб кетиш учун махсус машиналар керак. Балки, Ленин район ободонлаштириш бошқармаси бунга бирор чора кўрар?...

И. РУСТАМОВ.
СУРАТДА: С. Лазо кўчасидаги қурилиш қолдиқлари.
И. Хонкелдиев фотоси.



Фотомухбир Н. Маликовнинг ушбу фотолавҳасида «Узсельхозтехника» тажриба-ремонт механика заводининг илғор слесари Юсуф Аҳмаджонов тасвирланган. Бу пешқадам ишчи шахсий йиллик план-топшириқларини СССР Конституциясининг бир йиллиги кунигача бажаришга аҳд қилгандир. Унинг томонидан бажарилган барча топшириқлар сифатлилиги билан алоҳида ажралиб туради. Ю. Аҳмаджонов фақат ишлаб чиқаришдагина эмас, балки жамоат ишларида ҳам актив қатнашади.

Муддатидан илгари

Асбобсозлик заводи коллективи шу кунларда беш йилликнинг учинчи йили план-топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Корхона аҳли ўртасида шахсий йиллик планларини СССР Конституцияси и и н г бир йиллиги нишонланадиган кунгача адо этишга аҳд қилган ишчилар сони тобора ортиб боряпти.

Цехлараро бошланган социалистик мусобақада 6-цех ишчилари пешқадамликни қўлдан беришмаётир. Цех зарбдорларидан ҳисобланган С. Ғуломов, А. Каримов, Х. Носировлар бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини бажариш ташаббуси билан чиқишган.

М. ОРИПОВ.

2-бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

● ИЮНЬ, 1978 й.

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

ТОР КЎЧАДА «ТОМОША»

М. Уйғур кўчасининг «Кўнча» бозори ёнидаги қисми эрта тонгдаёқ ғий-чув ва машиналар сигналига тўлиб кетади. Бунга сабаб бозорга келганлар машиналарни ана шу тор кўчанинг икки четига тартибсиз қўйиб кетишидадир. Ваҳоланки, кўчанинг бир чети бозор бўлса, иккинчи чети аҳоли. Шунинг учун бу ердан пиёдалар у ёқда турсин, 35, 39, 46, 53, 134, 135-маршрут автобуслари ва бошқа машиналар ҳам қаторлашиб тизилишиб қолади.

Айниқса мактабга қатновчи ўқувчилар ва кекса кишиларга қийин. Негаки, бу ерда на йўлка бор, на бирор очиқ жой, ҳамма жой машина.

«Кўкча» бозори маъмурияти бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриши керак. Бу ерда пиёдалар учун йўлка қуриш, шунингдек машиналар тўхташини огоҳлантирувчи белги қўйиш керак. Акс ҳолда бу тартибсизликлар бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин.

Октябрь район ободонлаштириш бошқармаси раҳбарлари ҳам бу ҳақда ўйлаб кўришлари лозим.

Уйғур кўчасида турувчи аҳоли номидан:
А. РАСУЛОВ ва бошқалар. Жами 9 имзо.

10 Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. ШОУМАРОВ: Олий ўқув юртида ўқитувчилик қилаётган киши бошқа олий ўқув юртига ишга ўтганда унинг меҳнат стажида узилиш бўладими ёки бўлмайдими?

Жавоб: Узлуксиз иш стажини аниқлаш тартиби ҳақидаги қоидага кўра конкурс шартига мувофиқ ҳолда олий ўқув юртидаги профессорлик, муаллимликка ёки илмий тадқиқот муассасасидаги илмий ишга, шунингдек, театрлардаги ва бадиий коллективлардаги штатли лавозимларга ўтганда меҳнат стажида узилиш бўлмайди.

* * *

С. ИНОЯТОВ: Корхона ва муассасаларда штатлар қисқартирилганда кимларга устунлик берилади? Менинг бундай савол йўллашимга корхонамизда юз берган штатлар қисқартирилиши сабаб бўлди. Яъни, бир хил малака ва тажрибага эга бўлган икки ишчидан бири бошқа ишга ўтказилди. Бошқаси эса ўз жойида қолди.

Жавоб: Корхона ва муассасаларда штатларни қисқартириш муқаррар бўлган тақдирда қисқартирилиши лозим бўлган ишчи ва хизматчиларнинг ўзлари билдирган истакка биноан улар шу корхона ёки муассасанинг ўзидаги ёхуд шу райондаги ана шу бирлашманинг (трест, идораниинг) бошқа корхонаси ёки муассасасида мавжуд бўлган бошқа турдаги ишга доимий ёки вақтинча ўтказилиши мумкин.

Штатларни қисқартириш сабабли ишчи ва хизматчилар ишдан бўшатилмоқчи бўлган тақдирда меҳнат унумдорлиги ва малакаси тенг шароитда бўлган ишчиларнинг қайси бирини ишда қолдириш масаласи ҳал қилинаётганда қарамоғида икки ёки ундан кўп аъзоси бўлган оила бошлиғи бўлган, оиласида мустақил иш ҳақи оладиган бошқа ходимлар бўлмаган, Совет Армияси офицерлари составидан запасга чиққан ёки умуман хизматдан бўшаган кишиларга устунлик берилади.

* * *

К. ХОЛМАТОВ: Бедарак йўқолган одамнинг мулкига васий тайинланиши мумкинми?

Жавоб: Агар граждаининг қаердалиги ҳақида унинг доимий турар жойига бир йил мобайнида хабар келмаса, у суд орқали бедарак йўқолган деб танилиши мумкин.

Бедарак йўқолган деб танилган гражданинг мулкига нисбатан суд қарорига асосан васийлик белгиланади.

Манфаатдор шахсларнинг аралаш бўйича васийлик ва ҳомийлик қилувчи орган бедарак йўқолган гражданинг мулкини қўриқлаш учун, унинг қаерда эканлиги тўғрисидаги охирги маълумот олинган кундан эътиборан бир йил ўтишини кутмасдан ҳам васий тайинлаши мумкин.



«СЕҲРЛИ КУЙ ОҒУШИДА».

• Санъат оламида

ИЖОД МАСКАНИ

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати — Ёш томошабинлар театрида иш жуда қизғин. Театрнинг комсомолёшлари ВЛКСМнинг 60 йиллик юбилейига тайёргарлигини авж олдириб юбордилар. Улар юбилейга бағишлаб А. Лиханов, И. Шур, О. Бадиковнинг «Қорақум фожиаси» номли асарларини тайёрлашяпти. Асосий образлар устида Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотни лауреати Лутфулла Саъдуллаев, артистлардан Ҳайитали Низомиддинов, Ҳабибулла Абдуллаев, Шоҳистахон Иноғомова, Шуҳрат Зиямуҳамедовлар ишлашяпти.

Бундан ташқари, ёшлар кўпгина мактабларда «Замонамиз қаҳрамонлари», «Оталар изидан» номли мавзуларда суҳбатлар ўтказишди. Юбилейга бағишланган яна бир асар — Неъмат Рўзимуҳамедовнинг «Раҳмат, капитан» асари томошабинлар эътиборига ҳавола этилиш арафасида. Асарни режиссёр Осмон Шарипов саҳналаштирмоқда. Асосий образлар устида эса Гулчеҳра Саъдуллаева, Исмоил Абдуллаев, Баҳодир Нишонов, Абдусамат Жўрабоев, Рустам Расуловлар ишлашяпти.

Г. Гуломнинг «Шум бола», Али Жамолнинг «Меҳрибонлар», Панчо Панчевнинг «Тўрт эгизак», Енгин Мирзо ва Омон Шарифнинг «Бургут», Адҳам Раҳматнинг «Абдулла Набиев», Телегеновнинг «Етти миллион умр» асарлари яқинда ВЛКСМ 60 йиллигига бағишлаб Бухоро областида ўтказилган 50 дан ошиқ учрашувларда намойиш этилди.

Театр коллективи меҳмони бўлган болгариялик санъаткорлар болгар драматурги П. Панчевнинг «Тўрт эгизак» асарини кўришиб, жуда мамнун бўлишди. Улар айниқса, режиссёр талқинига, рассомнинг саҳна безаклари ва актёрлар ижросига катта эътибор беришди.

— Мен, — дейди асар автори Панчо Панчев, — бу ерда ўзимни болгар театрида томоша кўргандай ҳис қилдим. Рассом саҳна безакларини жуда ҳаётий топган. Гарчи ўзбек тилини билмасам ҳам, актёрларнинг ҳолатидан, уларнинг юз-кўзларидан асардаги бутун воқеликни жонли ҳолатда кўрдим. Эътиборга сазоворли жойи шундаки, эгизакларнинг образини ижро этган актёр ҳар бир эгизакнинг ўзига хос характерини топа олган. Албатта бу режиссёр билан актёрнинг биргаликда қилган кўплаб меҳнатидан далолат беради.

Асардаги асосий образларни Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Лутфулла Саъдуллаев, театрнинг ёш, талантли санъаткори Гулчеҳра Саъдуллаева, Мунаввар Муҳамедова, Ўзбекистон халқ артисти Муҳаббат Пўлдошева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Обид Толиповлар ижро этишди.

Р. ЕРИЕВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

Заир: янги мустамлакачилик ўз ҳаракатини кучайтирмоқда

АҚШ «орқа томонни мустаҳкамлаш» баҳонаси билан аслида НАТО мамлакатларининг Заирдаги ҳарбий операцияларга бошчилик қилмоқда, бу мамлакатнинг ички ишларига тобора кенг кўламда аралашмоқда. Пентагон вакили Американанинг ҳарбий-транспорт самолётларида чет эл қўшинларини Заирга етказиб беришда АҚШ учувчилари ва қуруқликдаги хизмат мутахассисларидан 600 дан зиёд киши қатнашаётганлигини тан олди.

Америка қурол-яроғлари билан таъминланган Марокаш солдатлари Заирга келиб туришди. Улар жазо кучлари составига қўшилади. Рейтер агентлигининг хабар беришича, президент Мобуту Заирнинг ҳарбий хизматчиларига ишонмай, ўзининг шахсий қўриқчилари вазифасини ҳам марокашликлар зиммасига юклаган. Марокашликлардан ташқари, Сенегал ва Габон ҳарбий қисмларининг Заирга келиши кутилмоқда. Буларни Заирга олиб бориш учун Америкаининг ҳарбий-транспорт самолётлари бу ерга келди.

Ҳали яқиндагина Парижда ғарб давлатларининг кенгаши бўлиб ўтди, АҚШ бошчилигидаги НАТО мамлакатлари ана шу кенгаш қарори асосида Заир ишларига аралашиш доирасини кенгайтирмоқдалар. НАТО блоки кенгашининг лқинда Вашингтонда ўтказилган сессиясидан кейин ғарбнинг Африка қитъасига нисбатан узоқ муддатга мўлжалланган планларини ишлаб чиқиш учун АҚШнинг қатъий талаби билан Париж кенгаши чақирилди. АҚШ президенти ва Франция президенти бу кенгашда «Африкадаги аҳвол»ни муҳокама қилдилар. Бу ремалар эндиликда амалга оширила бошланганлигини кўрсатиб турибди.

Дастлабки пайтларда Париж кенгашининг чақирилишидан мақсад Африка давлатларининг иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқишдан иборат, деб даъво қилишди. Аммо бундай даъволар ҳарбий-транспорт самолётларида чет эл қўшинларини Заирга етказиб беришда АҚШ учувчилари ва қуруқликдаги хизмат мутахассисларидан 600 дан зиёд киши қатнашаётганлигини тан олди.

Америка қурол-яроғлари билан таъминланган Марокаш солдатлари Заирга келиб туришди. Улар жазо кучлари составига қўшилади. Рейтер агентлигининг хабар беришича, президент Мобуту Заирнинг ҳарбий хизматчиларига ишонмай, ўзининг шахсий қўриқчилари вазифасини ҳам марокашликлар зиммасига юклаган. Марокашликлардан ташқари, Сенегал ва Габон ҳарбий қисмларининг Заирга келиши кутилмоқда. Буларни Заирга олиб бориш учун Америкаининг ҳарбий-транспорт самолётлари бу ерга келди.

Ҳали яқиндагина Парижда ғарб давлатларининг кенгаши бўлиб ўтди, АҚШ бошчилигидаги НАТО мамлакатлари ана шу кенгаш қарори асосида Заир ишларига аралашиш доирасини кенгайтирмоқдалар. НАТО блоки кенгашининг лқинда Вашингтонда ўтказилган сессиясидан кейин ғарбнинг Африка қитъасига нисбатан узоқ муддатга мўлжалланган планларини ишлаб чиқиш учун АҚШнинг қатъий талаби билан Париж кенгаши чақирилди. АҚШ президенти ва Франция президенти бу кенгашда «Африкадаги аҳвол»ни муҳокама қилдилар. Бу ремалар эндиликда амалга оширила бошланганлигини кўрсатиб турибди.

Шу мақсадда жандарм қисмларидан ҳам фойдаланмоқда. АҚШ бу қисмларни НАТО блоки билан маҳкам ҳамкорлик қилаётган Африкадаги бир қанча мамлакатлардан юбориб турибди. Танзанияда чиқадиган «Дейли ньюс» газетасининг таъкидлаб ўтишича, империалистлар Африка мамлакатлариаро жандарм отрядларининг ёрдами билан Африка қитъасидаги бир қанча районларда ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун уринмоқдалар. Ғарбнинг неча миллиардлаб капитал маблағлари тўпланган Шаба ана шу «Африка мамлакатларнаро кучлар»ни синаб кўриш учун полигон бўлиб қолди.

НАТО стратегларининг фикрича, Заир мажароси намуна бўлиб хизмат қилади. Ана шу намунага мувофиқ, ғарб Африканинг ғарб монополилари ва уларнинг малайлари ҳукмронлиги хавф остида қоладиган ҳар бир районига ўзлари вужудга келтирган жазо «кучлари»ни юбориши мумкин. Шу билан бирга улар Африкадаги бошқа давлатларнинг ички ишларига бемалол аралашиш учун, Африка қитъасидаги тараққийпарвар режимларга путур етказиш ва миллий озодлик ҳаракатига қарши қурашиш учун ана шу «кучлар»дан фойдаланишлари мумкин.

Францияда чиқадиган «Юманите» газетаси ғарбнинг игвогарлик мақсадларини кўзда тутган ана шу ҳуружини империалистларнинг фитнаси, деб таърифлади. НАТО мамлакатлари, деб ёзади газета, ҳозирги вақтда ўзларининг Африкадаги сиёсий ва иқтисодий позицияларини қайтариб олишга уринмоқдалар. Янги мустамлакачиларнинг Африка халқларига қарши кенг ҳужумини бошлаш учун тайёргарлик кўрилмоқда. Янгидан тўпланаётган доимий қуролли кучлар Африка қитъасида жандарм ролини ўйнайди.

Янги мустамлакачиларнинг планлари Заир билан чегарадош қолмаётганлиги диққат-эътиборни ўзига жалб этади. Франция Чаддаги ва Африканинг бошқа бир қанча мамлакатларидаги жанг операцияларига бевосита қатнаша бошлади, НАТОнинг Пенин томонидан тамомила қўллаб-қувватланаётган ёвуз режалари Африкадаги тараққийпарвар жамоатчиликни ҳақли суратда ташвишга солмоқда. Ливия олий халқ комитетининг ташқи ишларга доир масалалар билан шуғулланувчи секретари Али Абдул Ат-Трейки бундай деди: ғарб давлатларининг Африкадаги ҳаракатлари очиқданочиқ янги мустамлакачилик, империалистик тус олди ва уларнинг бу ҳаракатлари Африка халқларининг озодлиги ҳамда мустақиллигига қарши қаратилган.

(ТАСС).

„Тошкент оқшоми"ва „Вечерний Ташкент"

НАЗОРАТ ПОСТИ

• Объект қурувчиларга мунтазир

• Бош пудратчи айбдорларни излаяпти

МОРОЖЕНОЕ ФАБРИКАСИДА СОВУҚҚОНЛИК

Биз мороженое фабрикасига— 1978 йилнинг ишга туширилдиган объектига йўл олар эканмиз бу ерда монтажчилар, электрчилар, пардозчилар ва сантехниклар фидокорона меҳнат қилишаётган бўлса керак, деб ўйлаган эдик. Аслида ҳам шундай бўлиши керак-ку. Ахир, бош пудратчи — «Главташкентстрой»нинг 15-қурилиш бошқармаси ва ёрдамчи пудратчилар ишга туширилаётган объект қолиб, яна қаерда фидокорона ишлашлари мумкин?

Шунга қарамасдан мороженое фабрикаси қурилишида ҳамон совуққонлик ҳукм сураётганлигига шубҳа қилмасдик. Тошкент шаҳар партия комитетидаги қурилишга раҳбарлик қилувчи шаҳар штабида бу фабрикани бунёд этишда бажарилган қурилиш-монтаж ишлари плани қандай уддаланганлиги ҳақидаги ахборот билан таништик. Объектни ишга тушириш учун бош пудратчи шу йилнинг тўртинчи кварталида қурилишда 1.294 минг сўмлик маблағ ўзлаштириш керак. Энди ўзлаштирилган рақамлар ҳақидаги ахборотга назар ташлайлик. Январь ойида 104, февраль ойида 115, март ойида 88, май ойида 35 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди.

Ишга туширилаётган объектда бугун иш қандай боряпти? Биз қурилиш майдонига борганимизда тўрт гишт терувчи меҳнат қилаётган эди. 2 кўприкли кран тўхтаб турарди. Фақат буюртмачи — «Узмясомолторг» республика идораси штаби жойлашган қурилиш дирекциясининг хонасигина одамлар билан гавжум эди.

— Қурувчилар қаёққа кетишган?

Бу саволимизга «Узмясомолторг» бошлиғининг ўринбосари Сергей Иванович Поляков қуйидагича жавоб берди:

— Планга кўра бу ерда 110 киши меҳнат қилиши лозим. Ўтган ҳафтага қадар ҳар сменада 10—15 киши меҳнат қилди. Бугун бир неча киши шошилинч ҳолда машинада келишиб, бетон қориштирувчи мослама ва бошқа ускуналарни юк машинасига ортиб жўнаб кетишди.

Орадан кўп ўтмасдан бу жумбоқ масалани ҳал қилишга 15-қурилиш бошқармасининг бошлиғи М. Даудовнинг ўзи ёрдам берди.

— Ҳозир мороженое фабрикасидан ташқари яна тўртта зарбдор объектимиз бор, — дея тушунтирди Марат Ҳожиевич. —Ана шу объектларда ишларни ниҳоясига етказганимиздан кейин бу ерда енг шимариб иш бошлаймиз.

15-қурилиш бошқармаси бошлиғининг фикрларида жон бор. Бошқарма шу йилнинг охиригача қадар бир миллион сўмлик маблағ ўзлаштириши лозим. Аммо ҳаёт 15-қурилиш бошқармаси коллективи бунёдкорлик ишларини жуда суст олиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Аввалги йил ва ўтган ойлардаги натижалар бунинг ёркин гувоҳидир.

Аммо энг асосий нарса бошқа жойда. Ҳозир ишга туширилаётган фабрика комплексининг қурилиш майдони бунёдкорлик ишларини жадаллаштириб юбориш учун тайёр эмас. Қозонхона, насос ва конденсатор станцияларининг қурилиши ҳали бошланғани йўқ. Ваҳоланки, бу нарсалар ўтган йили фойдаланишга топширилган бўлиши керак эди. Айни пайтда асосий ишлаб чиқариш корпусида ҳам жуда катта ҳажмдаги ишларни амалга ошириш лозим. Жумладан, сув қувурлари ва кабеллар учун каналлар қазиш, мустаҳкам ускуналарни учун фундамент тайёрлаш керак. Хом ашё ва тайёр маҳсулотлар сақланадиган омборхоналарда темир-бетон конструкциялари, панел ва ўрта деворларни ўрнатиш, изоляция ишлари ва шу сингари бошқа кўпгина юмушлар уддаланиши лозим.

Объектни шу йилда фойдаланишга топшириш мумкин эмаслигини тушуниш учун қурилиш бошқармасининг бошлиғи бўлиш шарт эмас.

Афсуски 3-трестдагилар ва бош пудратчи 15-қурилиш бошқармасидагилар мороженое фабрикасида вужудга келган қийин шароитни оддий ҳодиса деб ҳисобламоқдалар. Улар жуда кўп объектларнинг қурилиш муддатини чўзиб юборишяпти. Трест раҳбарларининг айби билан кўпгина объектларни бунёд этиш йилдан-йилга ўтиб келмоқда. Афтидан мороженое фабрикасини бунёд этиш ҳам янаги йилга қолса керак.

Бу объектнинг ишга туширилишини ўн минглаб шаҳарликлар тоқатсизлик билан кутишяпти. Агар ҳозир ишлаб турган «Хладокомбинат» ҳар кечакундузда 12 минг тонна мороженое ишлаб чиқараётган бўлса, янги қувватларни ишга тушириш билан ишлаб чиқариш ҳажмини уч марта кўпайтириш имкони вужудга келади. Замонавий ускуналар шаҳар аҳолисини мороженое билан узлуксиз таъминлашга ёрдам беради.

Аммо «Главташкентстрой»нинг 3-трестидаги ўртоқлар кўпроқ қурилишни жонлантириш ҳақида эмас, балки қурилишнинг судралишига сабаб бўлаётган ёрдамчи пудратчиларнинг айбини қидириш билан шуғулланишмоқда. Улар қурилишни чўзилишига гоҳ «Главстройиндустрия» заводлари, гоҳ «Главташкентстрой»нинг саноат корхоналари бошқармаси ва бошқа ташкилотларни рўкач қилиб кўрсатишмоқда. Гўёки шу ташкилотлар 15-қурилиш бошқармасининг ишини орқага судраётган эмишлар. Кўриниб турибдики, объектни қуриш материаллари билан таъминлашни йўлга қўйиш анча мушкул. Лекин уни амалга оширса бўлади. Бунга эришиш учун трест раҳбарлари план интизомига қаттиқ амал қилишлари, масалани ҳал қилишга юзаки ёндошмасдан, жиддий киришишлари лозим. Ана шунда янги объектлар ўз вақтида фойдаланишга топширилади. Шу муаммолар ҳал қилингандагина «Главташкентстрой» 3-трестининг ишлаб чиқариш фаолиятидаги камчиликларга барҳам берилади.

В. ЭНКЕР.



ЖОНАЖОН ВАТАН БУЙЛАБ. НОВОСИБИРСК. Дарё вокзали. А. Поляков фотоси, ТАСС фотохроникаси.

◆ ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

КВАРЦ ЎТКАЗГИЧ ОРҚАЛИ

Информация сим кабель орқали эмас, балки шиша толадан ясалган нур ўтказгич орқали юборилса унинг ҳажмини 10 минг марта ва ундан кўпроқ ошириш мумкин. Биринчи шундай линиялар ишлаб турибди. Уларда сигнални электр майдони эмас, балки ёруғлик тўлқини олиб боради. Ясалган ясалган қиллар ўтказгич сифатида хизмат қилади. Одам соҳи йўғонлигидаги битта тола орқали бир вактда мингдан ортиқ телевизион программани ёки телефон сўзлашувларини юбориш мумкин бўлади.

Алоқачилар, радиоэлектрон приборларни ясовчилар, бошқа соҳаларнинг мутахассислари янги материалга умид билан қарамоқдалар. Лекин ҳозирча оптик тола жуда оз чиқарилган. Уни гоят мусаффо кварц кристалларидан чўзиб тайёрланади. Москва, Ленинград ва Горький олимлари шундай материал олиш технологияси устида иш олиб бормоқдалар.

В. ИОНОВ, ТАСС мухбири.

ОЛИЙ МАКТАБ ТАКЛИФ ЭТДИ

Фосфор кислота ишлаб чиқариш чиқитларини сульфосиликат цементга айлантириш туфайли Олмалиқ химия заводи бир йилда 586 минг сўм тежади. Уни олиш методини Тошкент политехника институтининг олимлари ва студентлари социалистик ҳамдўстлик тўғрисидаги шартномага биноан ишлаб чиқиб жорий қилган эдилар.

МЕХАНИК «ЮКЧИ»

Тошкент шаҳар ғалла қабул қилиш базасида вагон юкини туширадиган Ўзбекистонда биринчи телескопик транспортёр ишга туширилди. У тўрт ишчининг ўрнини эгаллади. Механизм ёрдами билан 60 тонналик вагонларнинг юкини бир-гина операторнинг ўзи тушира олади. Бунда дон тўлғазилган қоплар тўғридан-тўғри омборга бориб тушади. Транспортер Керчь ғалла маҳсулотлари комбинати мутахассисларининг чизмалари бўйича ясалди.

[ЎзТАГ].

ЗАВОДЛАР ҚУРАДИГАН КОРХОНА

СОФИЯ. Болгариянинг ғарбий қисмидаги Радомир шаҳри ёнидаги оғир машинасозлик заводи Болгария Халқ Республикаси саноатининг янги гигант корхонасининг бўлажак манзараси ҳозирданоқ кўзга ташланиб қолди. Металл конструкциялар ишлаб чиқарувчи жуда катта цех манзараси, Радомирдан қурилиш майдонига қараб йўл олган ўнлаб катта юк автомобиллари, кранлар, барпо этилган темир йўл линиялари шу қурилишнинг ҳажми тўғрисида талаввур ҳосил қилиш имкониятини беради.

Давлат корхона қурилишнинг биринчи навбати учун ярим миллиард лев маблағ ажратди. Корхонанинг биринчи навбати 1981 йилда маҳсулот бера бошлайди.

15 минг ишчи химия, цемент, тог-кон саноати учун машиналар, асбоб-ускуналар ва бутун-бутун технология линияларини ишлаб чиқара бошлайди.

(ТАСС).



Мана бу суратда Сиз кўриб турган одатдан ташқари музика асбоби «илон» деб аталади. У Германия Федератив Республикасининг Майндаги Франкфурт шаҳрида ўтган музика асбобларининг Халқаро ярмаркасида намойиш этилди.

ТАСС фотохроникаси.

ВОЖАТИЙ СТУДЕНТЛАР

Низомий номли Тошкент педагогика институтининг юздан ортиқ студенти имтиҳонларини муддатидан илгари топшириб, «Текстильчи», «СССР 50 йиллиги», «Искра». «Дзержинец» ва бошқа пионер лагерларида вожатий бўлиб ишлай бошлади. Ўзбекистон шаҳарларидаги ва шаҳар чекаларидаги пионер шифохоналарида бу йил ёз мавсумида ана шу олий ўқув юртида таълим олаётган минглаб ортиқ бўлажак педагоглар ишлайди.

(ЎзТАГ).

КУЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА

ГАИ АХБОРОТИ

«Мен, Муҳитдин Турдиев сайр этиш учун ўртоғимнинг велосипедини олдим. Орқамда ўртоғим Забихилла Шукуров ўтирар эди. Иккимиз Тошкент автомобиль ҳалқа йўли бўйлаб тахминан автомобиль йўллари область бошқармаси биноси ёнигача келдик. Кейин нима бўлганини билмайман».

Шундан кейин 123-мактабнинг ўнинчи синф ўқувчиси катта йўлга чиқатуриб, огоҳлантириш белгиси бўлишига қарамай. И. Икромов бошқариб келаётган ЗАЗ—968 маркали 61—00 СИГ автомобилини ўтказиб юбормади ва у билан тўқнашди.

Натижада велосипедчидан ташқари у билан бирга келаётган ўртоғи, улар тўқнашган «Запорожец» машинасида келаётган Раҳмонбердиева шикастланди.

Зеболик қоидалари

ЭРКАКЛАРНИНГ КИЙИНИШИ ҲАҚИДА

Эркаклар кийимининг келишган бўлишининг асосий қоидаси газламанинг тана рангига, соч рангига мос хилини танлаш ва гавдага мос қилиб тикдиришдир. Эркаклар кийими аёлларникидек гулдорликка, бурма, безак ва кашкилдоқлар тикишга муҳтож эмас. Эркак кийимининг фасони деярли бир хил (масалан шим, костюм, пальто, сорочка, шляпа, туфли), фарқи материалнинг ҳар хиллигида холос. Шундай бўлсада, эркаклар кийимида ҳам гавданинг хусусиятларини, пакана ва новчаликни, озғин ва семизликни ҳисобга олмай бўлмайди.

Озғин эркакларга сон қисми тор, танага ёпишиб турадиган, почаси ҳам пичанинг трубасига ўхшатиб тикти-рилган шим мутлақо тўғри келмайди, бу жуда ҳунук ва чўпдай озғин қилиб чўрсатади. Озғин одам ёзда сал кенгроқ шим ва шимнинг устидан тушиб турадиган қўйлак ёки енгил костюм, ё орқасида белбоғи бор куртка кийиб юрса ярашади. Шунингдек, паст бўйли эркакларга калта пальто ярашмайди. Калта пальто кийиш новчаларга дуруст. Семиз кишиларга содда бичимли тўғри кийим ярашади, улар калта пиджак, почаси калта шим ёки ҳаддан ташқари кенг кийим киймасликлари керак. Елкаси тор, сал букчайган эркакларга кенгроқ куртка, спорт типидаги қўйлаклар ярашади. Ҳар қандай гавдага ёпишиб турадиган либос буларга сира ярашмайди. Новча кишилар шими бошқа, костюми бошқа матодан тикилган кийимни кийсалар ярашаверади, лекин паканаларни бундай либос янада калта қилиб кўрсатади.

Оёғи узун йигитларга клёш (қўнғирок) пойчали шим сира ҳам тўғри келмайди, чунки қадамлари узун-узун бўлганлиги узун кўчани «супуриб», чангитиб кетади. Шунингдек, оёғи узун ёки калта, ё қинғир кишиларга тор почали шим мутлақо тўғри келмайди, айби «мана мен» деб билиниб қолади.

Эркаклар либосининг ярашиқлиги тўлдирувчи деталь қўшимча кийимнинг қандай танланишига боғлиқ бўлади. Масалан, қора костюмга оқ кўйлак, қора галстук, қора шляпа жуда ёнишиб шляпа рангига мос бўлиши қонда. Пайпоқ эса галстук рангига мос бўлсин. Сидирга кўйлакка барча хилдаги галстуклар ярашаверади. Гулли кўйлакка сидирга галстук тақилса кўйлакнинг жимир-жимир гули ортиқча кўзга ташланмайди. Олачипор катак-катак гулли кўйлакка галстук тақилмайди. Қора костюмга оқ кўйлак, қора галстук, йўл-йўл кўйлакка йўл костюм ёки кўйлак, шляпа) пальтонинг ранги ҳамма либосларга мос келаверади. Қўлингиздаги портфель қандай рангда бўлса, шунга мос туфли кийсангиз яхши ярашади, мисол учун жигарранг туфлига жигарранг портфель. Новча кишиларнинг костюм ва пальтоси сидирга, катак ёки диагональ йўлли бўлгани маъқул. Бўйи пастак қишилар доим тиқма йўлли либос кийсалар яхши ярашади.

Ҳар бир эркак киши-мирдан қурилиш майдонига қараб йўл олган ўнлаб катта юк автомобиллари, кранлар, барпо этилган темир йўл линиялари шу қурилишнинг ҳажми тўғрисида талаввур ҳосил қилиш имкониятини беради. Давлат корхона қурилишнинг биринчи навбати учун ярим миллиард лев маблағ ажратди. Корхонанинг биринчи навбати 1981 йилда маҳсулот бера бошлайди.

15 минг ишчи химия, цемент, тог-кон саноати учун машиналар, асбоб-ускуналар ва бутун-бутун технология линияларини ишлаб чиқара бошлайди.

(ТАСС).

Мана бу суратда Сиз кўриб турган одатдан ташқари музика асбоби «илон» деб аталади. У Германия Федератив Республикасининг Майндаги Франкфурт шаҳрида ўтган музика асбобларининг Халқаро ярмаркасида намойиш этилди.

ТАСС фотохроникаси.

ЭРКАКЛАРНИНГ КИЙИНИШИ ҲАҚИДА

Эркаклар кийимининг келишган бўлишининг асосий қоидаси газламанинг тана рангига, соч рангига мос хилини танлаш ва гавдага мос қилиб тикдиришдир. Эркаклар кийими аёлларникидек гулдорликка, бурма, безак ва кашкилдоқлар тикишга муҳтож эмас. Эркак кийимининг фасони деярли бир хил (масалан шим, костюм, пальто, сорочка, шляпа, туфли), фарқи материалнинг ҳар хиллигида холос. Шундай бўлсада, эркаклар кийимида ҳам гавданинг хусусиятларини, пакана ва новчаликни, озғин ва семизликни ҳисобга олмай бўлмайди.

Озғин эркакларга сон қисми тор, танага ёпишиб турадиган, почаси ҳам пичанинг трубасига ўхшатиб тикти-рилган шим мутлақо тўғри келмайди, бу жуда ҳунук ва чўпдай озғин қилиб чўрсатади. Озғин одам ёзда сал кенгроқ шим ва шимнинг устидан тушиб турадиган қўйлак ёки енгил костюм, ё орқасида белбоғи бор куртка кийиб юрса ярашади. Шунингдек, паст бўйли эркакларга калта пальто ярашмайди. Калта пальто кийиш новчаларга дуруст. Семиз кишиларга содда бичимли тўғри кийим ярашади, улар калта пиджак, почаси калта шим ёки ҳаддан ташқари кенг кийим киймасликлари керак. Елкаси тор, сал букчайган эркакларга кенгроқ куртка, спорт типидаги қўйлаклар ярашади. Ҳар қандай гавдага ёпишиб турадиган либос буларга сира ярашмайди. Новча кишилар шими бошқа, костюми бошқа матодан тикилган кийимни кийсалар ярашаверади, лекин паканаларни бундай либос янада калта қилиб кўрсатади.

Оёғи узун йигитларга клёш (қўнғирок) пойчали шим сира ҳам тўғри келмайди, чунки қадамлари узун-узун бўлганлиги узун кўчани «супуриб», чангитиб кетади. Шунингдек, оёғи узун ёки калта, ё қинғир кишиларга тор почали шим мутлақо тўғри келмайди, айби «мана мен» деб билиниб қолади.

Эркаклар либосининг ярашиқлиги тўлдирувчи деталь қўшимча кийимнинг қандай танланишига боғлиқ бўлади. Масалан, қора костюмга оқ кўйлак, қора галстук, қора шляпа жуда ёнишиб шляпа рангига мос бўлиши қонда. Пайпоқ эса галстук рангига мос бўлсин. Сидирга кўйлакка барча хилдаги галстуклар ярашаверади. Гулли кўйлакка сидирга галстук тақилса кўйлакнинг жимир-жимир гули ортиқча кўзга ташланмайди. Олачипор катак-катак гулли кўйлакка галстук тақилмайди. Қора костюмга оқ кўйлак, қора галстук, йўл-йўл кўйлакка йўл костюм ёки кўйлак, шляпа) пальтонинг ранги ҳамма либосларга мос келаверади. Қўлингиздаги портфель қандай рангда бўлса, шунга мос туфли кийсангиз яхши ярашади, мисол учун жигарранг туфлига жигарранг портфель. Новча кишиларнинг костюм ва пальтоси сидирга, катак ёки диагональ йўлли бўлгани маъқул. Бўйи пастак қишилар доим тиқма йўлли либос кийсалар яхши ярашади.

Ҳар бир эркак киши-

да бир жуфт ёқасини бир ёки икки бортли килиб тикдирилган қора костюм-шим бўлгани маъкул. Буни оқ кўйлак ва оқ қора галстук билан тўйларда, байрамларда, идораларга борганда, таъзия билдирувчи команда аъзоларига, ҳарбий хизматчиларга формали уст-бош берилади. Формасининг ранги, тикиш стили ва практик қўлланиши, маълум маънони англатадиган бўлади.

Иш услуби, хизмат тартиби ниҳоятда темир интизомни талаб этадиган соҳаларда ишловчи одамлар форма кийишлари зарур. Чунки, формали уст-бош кишининг хизмат бажаришдаги даражасининг

Энди икки оғиз фор-пост ёки баландлигини, масъулиятлилигини, унвонининг кўрсаткичи бўлади. Шунинг учун форма кийган кишилар юзага интизомли бўлишлари ўз-ўзидан маълум. Форма кийган кишиларга граждан либоси кийганларга нисбатан кўпроқ эътибор берилади, ёш боладан катталаргача барчанинг нигоҳи форма кийганларга қаратилади. Шундай экан, формали одам ниҳоятда бенуқсон кийиниши жоиздир.

Қонда шуки, формани хизмат вазифасини ўтаб турганда ва байрамларда кийилади, амма ҳордиқ кунлари меҳмондорчиликларга, таъзия каби гражданлик маросимларига форма кийиб келиш ярашмайди.

Карим МАҲМУДОВ.

физкультура ва СПОРТ

• *Куйи физкультура коллективларида*

САФЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Бу ерда ҳар куни дарслардан кейин турли мусобақалар бўлади. Футбол, волейбол майдонида, теннис столида ёшлар ўзаро баҳслашадилар. Бу уларнинг спортнинг бирон бир тури бўйича амалий кўникмаларини мустаҳкамлашга ёрдам бериш билан бирга маданий ҳордиқ чиқаришларига ҳам омил бўлади.

Ҳа, шаҳримиздаги 2-ҳунар-техника билим юртида физкультура ва спортни ўқувчилар ҳаётининг ажралмас қисмига айлантириш учун лозим бўлган барча тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ерда ҳозир футбол ва волейбол, эркин кураш ва дзюдо, енгил атлетика ва миллий кураш, стол тенниси ва бокс, байдарка ҳайдаш ва мўлжалга отиш секциялари ишлаб турибди. Бу секциялардаги машғулотларни А. Маҳбубов, Г. Модель, Г. Зеленин, А. Маметов, В. Вертянкин сингари тажрибали тренерлар олиб боришмоқда.

Ҳозир билим юртида таълим олаётган ҳар уч ўқувчидан бири спорт секциясида ўтказилаётган машғулотларда қатнашмоқда. Жуда кўп ҳолларда йигитлар спортнинг маълум бир тури билан шуғулланиш керак деган қатъий хулосага келиш учун қийналиб қолишади. Уларнинг кўплари шунинг учун ҳам бир вақтнинг ўзида бир неча секциялардаги машғулотларда қатнашишмоқда. Бу уларнинг спорт маҳоратини оширишга яхши таъсир кўрсатяпти.

Ўтган ўқув йилида билим юртида 500 дан знёд разрядли спортчи тайёрланди. 200 дан знёд киши каттала рразряди нормативини бажаришга муваффақ бўлди. Икки киши эса СССР спорт мастери кандидати нормативини бажарди.

Билим юрти ўқувчилари ҳунар-техника билим юртларининг XVII шаҳар спартакиадасида муваффақиятли қатнашдилар. Улар спортнинг 18 тури бўйича ташкил қилинган барча баҳсларда иштирок этишди. Айниқса ГТО кўп курашчилари, мўлжалга отувчилар яхши натижага эришдилар. Улар юқори маҳорат кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллашди. Дзюдочилар ва эркин курашчилар эса тўртинчи ўринни эгаллашди.

Шахсий ҳисобда ўтказилган беллашувларда ҳам юқори натижалар қайд қилиниди. Жумладан, бир метру 85 сантиметр баландликка сакраган Владимир Воронин мусобақа пешқадами бўлди. Боксчи Равил Ҳамзин ўз вазн-тоифасидаги спортчилар билан беллашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, мусобақа шоҳсупасининг иккинчи погонасига кўтарилишга эришди. Пётр Долгополов 1500 метр масофага ўтказилган югуришда маррага учинчи бўлиб етиб келди. Умумкоманда ҳисобида билим юртининг спортчилари совринли учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди.

Ҳозир билим даргоҳидаги спорт ташкилотининг 1977—1978 ўқув йилида амалга оширган ишларига якун чиқарилмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда 525 киши турли разряд нормативларини бажаришга эришган. Ҳозир бу ерда «СССР туристи» нишонини олиш учун тайёргарлик ишлари кизгин олиб борилияпти. Айни пайтда ГТО комплексига норма топшириш ҳам авж олган.

Билим юртидаги спорт базасини янада кенгайтириш чоралари кўриляпти. Ҳозир бу ерда бунёд этиладиган спорт залининг техник ҳужжатлари ҳозирлаб қўйилди. Зални қуришга келгуси ўқув йилида киришилади.

А. ИНОҚОВ.

• *Ҳар тўғрида*

БОЙ БЕРИЛГАН ҒАЛАБА

Чекувчиларга қарши кураш ҳамон давом этмоқда. Ўтган йилнинг июль ойида «Чекиш ёки чекмаслик» деган масала Франциядаги ҳал этилиши лозим бўлган энг муҳим масалалардан бири эди. Соғлиқни сақлаш министрлиги тамаки ишлаб чиқариш корхоналарига қарши оммавий кураш бошлади. Шу билан биргаликда тамакининг зарарли эканлиги чекувчилар онгига сингдириб борилди. Ана шундан кейин бу борада бир оз муваффақиятга эришилди ҳам. Ҳукумат касалхоналар, давлат муассасалари ва 16 ёшгача бўлган ўсмирлар қатнайдиган биноларда чекишни бутунлай ман этди. Тамаки маҳсулотларнинг радио ва телевидение орқали реклама қилиш тугатилди.

Бироқ бу қонун-қоидаларга тамаки индустрияси мутлақо риоя қилмади. Йирик автотрассаларнинг чекаларига тамаки маҳсулотларини реклама қилувчи катта эълон ўрнатилди. Минглаб автомобиль ва мотоциклдар ҳаракатдаги реклама стендларига айлантирилган. Ҳатто ҳайдовчиларнинг шлём ва кўлқопларн ҳам тамаки фирмаларининг рекламалари билан безатилди.

Франция соғлиқни сақлаш министрлигининг маълумотига кўра, бунинг натижасида тамаки компанияларининг даромади олдингига нисбатан 2,5 процентдан ортиқ ошган.

ШАҲАРНИНГ ЭСКИ ҚИЁФАСИ

Вьетнам императорлигининг қадимий пойтахти —Гуэ шаҳрида ярим йилдан ортиқ вақт мобайнида тиклаш ишлари олиб борилмоқда. Франция ва Америка интервентлари билан бўлган энг муҳим масалалардан бири эди. Соғлиқни сақлаш министрлиги тамаки ишлаб чиқариш корхоналарига қарши оммавий кураш бошлади. Шу билан биргаликда тамакининг зарарли эканлиги чекувчилар онгига сингдириб борилди. Ана шундан кейин бу борада бир оз муваффақиятга эришилди ҳам. Ҳукумат касалхоналар, давлат муассасалари ва 16 ёшгача бўлган ўсмирлар қатнайдиган биноларда чекишни бутунлай ман этди. Тамаки маҳсулотларнинг радио ва телевидение орқали реклама қилиш тугатилди.

Бироқ бу қонун-қоидаларга тамаки индустрияси мутлақо риоя қилмади. Йирик автотрассаларнинг чекаларига тамаки маҳсулотларини реклама қилувчи катта эълон ўрнатилди. Минглаб автомобиль ва мотоциклдар ҳаракатдаги реклама стендларига айлантирилган. Ҳатто ҳайдовчиларнинг шлём ва кўлқопларн ҳам тамаки фирмаларининг рекламалари билан безатилди.


Франция соғлиқни сақлаш министрлигининг маълумотига кўра, бунинг натижасида тамаки компанияларининг даромади олдингига нисбатан 2,5 процентдан ортиқ ошган.

ҲАВАСКОР ҒАББОСЛАР

Кўпчилик ўқувчилар учун ғаввослик ишлари билан ҳаваскорларнинг шуғулланиши қандайдир нотабиийдек туюлса керак. Аммо СВАЗАРМ — Чехословакиянинг армияга кўнгилли ёрдам жамоат ташкилоти ҳисобида бўш вақтларини сув ости сузиши ва ғаввослик ишларига бағишлаган 14 минг граждан бор. Кўпгина шаҳарлардаги «Ғаввослик клуб»лари ўз мутахассислигига эга. Масалан, Ғарбий Чехословакия областининг Тренчин шаҳридаги «Нимфа» клуби аъзолари тўғонлар кўриги ва ремонти мутахассислиги билан шуғулланишади. Фақат прагалик ғаввосларнингина махсус мутахассислиги йўқ. Улар сув остида барча ишларни бажараверишади.

*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*

УЙИНГИЗДА МИКРОИҚЛИМ



«БК—1500» рўзғор кондиционерлари жазирама иссиқ кунлари квартирангизда, хизмат хонангизда мўътадил салқин бўлишини таъминлайди.

Кондиционер ёрдамида хона ҳарорати 8—10 градусгача пасаяди ва бу ҳарорат автомат равишда, бошқариб турилади, ҳаво чангдан тозаланади. «Вентиляция» режими ташқаридан соф ҳавонинг оқиб киришини таъминлайди.

«БК—1500» кондиционерининг модели ротация типидаги компрессор билан жиҳозланган. Шу туфайли у деярли шовқинсиз ишлайди. Пластмассадан ишланган корпус ҳам шовқинининг камайишига хизмат қилади. Кондиционерни ойна токчасига енгил ва осон ўрнатиш мумкин. У кўп жой эгалламайди. Замонавий жиҳозланган ва хона кўркини очади.

«БК—1500» кондиционери электр тармоғидан 220 вольт кучланишда ишлайди.

Рўзғор кондиционерларини ишлаб чиқараётган Боку заводи харид қилинган кундан эътиборан уларнинг икки йил мобайнида бузилмай ишлашига кафолат беради.

«БК—1500» кондиционери Давлат Сифат белгисига сазовор бўлган. Унинг баҳоси (монтаж қилиб бериш билан бирга) — 442 сўм 30 тийин.

«БК—1500» кондиционерини нақд пулга, шунингдек, кредитга сотиб олиш мумкин.

Ҳурматли харидорлар, Сизларни кондиционерлар сотиб олиш учун «ГУМ», ЦУМ ва ихтисослашган магазинларга таклиф этамиз.

ГУМ «УЗХОЗТОРГ» ЦУМ
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

13 — 16 ИЮНЬ КУНЛАРИ

САМБО КУРАШИ БЎЙИЧА
СССР БИРИНЧИЛИГИ ЎТКАЗИЛАДИ

ЖАҲОН, ЕВРОПА ВА СССР ЧЕМПИОНЛАРИ: **Виталий КУЗНЕЦОВ, Чеслав ЕЗЕРСКАС, Александр ПУШНИЦА, Константин ГЕРАСИМОВ, Владимир СОБОДИРЕВ** ва бошқалар қатнашадилар.

Мусобақалар соат 11.00 ва 18.00 да бошланади.

Билетларни спорт зали кассасидан соат 10.00 дан бошлаб сотиб олиш мумкин.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

63-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ:

бўёқчи-қурувчи (ўқиш муддати — 3 йил), **дурадгор-қурувчи** (3 йил), **бўёқчи-иморатларни эстетик безовчи** (3 йил), **электргаз пайвандчи** (3 йил), **пўлат конструкциялар монтажи бўйича электр пайвандчи** (1 йил), **ганч ўймакори** (3 йил), **дурадгор** (1 йил), **бўёқчи-сувақчи** (1 йил), **темир-бетон конструкцияларининг монтажчиси** (1 йил).

БИЛИМ ЮРТИГА 15—17 ЁШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

3-йиллик курсни битирган шахсларга мутахассислиги тўғрисидаги дипломдан ташқари ўрта маълумот ҳақидаги аттестат ҳам берилади.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхона берилади.

Билим юртига кирганлар қуйидаги имтиёзларга эга бўладилар: бепул кийим-бош, 3 маҳал иссиқ овқат, ишлаб чиқариш таълими давридаги иш ҳақининг 33 процента.

Ўқишни аъло баҳолар билан битирганларга олий ва ўрта махсус ўқув юртларига йўлланма берилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: гугурланлиги ҳақидаги гувоҳнома (паспорт), маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 6 та фотосурат (3х4 см.), директор номига ариза.

ЎҚИШ — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

БИЛИМ ЮРТИ ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 9.00дан 17.00 гача ИШЛАЙДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор массиви, 26-квартал, 1-уй. (54, 3, 32-автобусларнинг «ГСПТУ-63; 4, 9, 15, 19, 21 трамвайларнинг «Ширин» магазини бекати). Телефонлар: 76-27-56, 76-36-58.

Мусобақалар хроникаси

Ялта шаҳрида касаба союз жамиятларининг чўққиларга кўтарилиш бўйича Бутуниттифоқ чемпионати бўлиб ўтди. Баҳсларда тошкентлик спартакчи, спорт мастери Г. Писаренко муваффақиятли қатнашди. У чўққиларга кўтарилишда ўзига хос маҳорат кўрсатиб, шахсий ҳисобда иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Ҳамшаҳримизнинг бу муваффақиятя командага ҳам қимматли очколар келтирди.

* * *

Чехословакияда велосипед спорти бўйича ўтказилган халқаро турнирда Ўзбекистон спортчилари ҳам иштирок этишди. Республикамиз терма командасининг вакили динамочи Ш. Загретдинов босқич мусобақаларидан бирида маррага биринчи бўлиб келди.

Яна бир босқич мусобақаларида эса у иккинчи бўлди. Умумий ҳисобда ҳам у иккинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, республикамиз вакили М. Первеев энг кучли ўн пойгачи сафидан жой олишга муваффақ бўлди.

* * *

Касаба союз жамиятлари командаларининг шахмат бўйича Бутуниттифоқ чемпионатининг ярим финал ўйинлари ниҳоясига етди. Ярославль шаҳрида ўтказилган ярим финал учрашувларида тошкентлик спорт мастери Г. Борисенко яхши қатнашди. У ярославллик М. Арсенев билан бирга тўққиз очко тўплашга эришди. Ғолиб шу икки спортчи ўртасидаги ўзаро учрашувда аниқланди. Республикамиз вакили ўйинни бой бериб, иккинчи ўрин билан қифояланишга мажбур бўлди. Шунга қарамасдан у чемпионатнинг финал ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

* * *

«Буревестник» кўнгилли спорт жамияти Тошкент область Советининг анъанавий спартакиадаси бўлиб ўтди. Спартакиадада спортнинг 22 тури бўйича беллашувлар бўлди. Баҳсларда Ўзбекистон Давлат физкультура институтининг студентлари муваффақиятли қатнашдилар. Улар яхши маҳорат кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллашди. Иккинчи ўринни эса Тошкент медицина институтининг студент-спортчила р и эгалладилар.



Яқинда шаҳримизнинг Ботинн кўчасида «Ташсельмаш» заводи ишчилари учун янги тўққиз қаватли турар жой бинолари қад кўтарди. Бу бинолар кўча ҳусннга янада ҳусн қўшди.

Бинолар атрофини ободонлаштириш ишлари ҳам тезкорлик билан олиб борилмоқда.

Ҳ. Мирзаназимов фотоси.

● ШИФОБАХШ УСИМЛИКЛАР

«ТАБИИЙ ДОРИХОНА»ДАН

Озиқ-овқат ва дори қилиб ишлатиладиган кўп йиллик кўкатровоч териш бу йил илк бор Ўзбекистон ССР Ўрмон хўжалиги министрлиги ўрмон хўжаликларининг тайёрлаш планига киритилди. Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг тоғларида ўрмончилар озиқ-овқат ва фармацевтика саноати учун 118 тонна шифобахш хом ашё тўплаб, йиллик топшириқни бажардилар. Кўклам серёмгир келганлиги туфайли ровоч мўл бўлди. Самарқанд консерва заводига анча ровоч юборилди. Ундан мураббо пиширилади ва суви олинади.

Республика ўрмон хўжалиги министрлигида тузилган бошқарма ихтисослаштирилган доривор кўкат майдонларини ташкил этиш, шифобахш ўт ва ўсимликларни етиштириш билан шуғулланади.

(ЎзТАГ).

ОҚСОҚОЛ ОҚ ЙЎЛ ТИЛАБ ҚОЛДИ

ЛЕРИК (Озарбайжон ССР), ТАСС мухбирлари В. Морозовков, О. Московский). 143 ёшли Мажид Оғаев бирданига беш эварасини армия хизматига узатди. Тантанали кузатиш маросимига баланд тоғдаги Тикябанд қишлоғининг бошқа аҳолиси ҳам тўпланди.

— Сиз халқимизга Совет ҳокимияти келтирган бахт-саодатни қўриқлаган кетяпсиз,— деди кекса бобо. — Жасур йигитлар бўлинг, қўлда қуролни маҳкам тутинг, солдат жўраларингизнинг дўстлигини қадрланг.

Мажид Оғаев энг кекса киши ва қишлоқ советининг депутати сифатида анъанага кўра, бўлғуси солдатларга Тикябанд оқсоқоллари кенгашининг эзгу тилакларини топширди. Оқсоқоллар кенгаши аъзоларининг кўплари 100 ёшдан ошган кишилардир. 120 яшар Момо Оғабону қўлда тўқилган иссиқ пайпоқларни йигитларга тортиқ қилди.

Мажид Оғаев авлодлари бўлмиш 140 кишининг кўплари жанговар хизматга алоқадор. Оқсоқол ҳалок бўлган юртдошлар шарафига қишлоқда ёдгорлик қуриш ташаббускорларидан бири бўлганди.

Ҳурматли кекса олиб турадиган кўпдан-кўп хатлар орасида солдат муҳрлари босилган хатлар ҳам анчагина: ҳозир қишлоқ ёшларидан неча ўнлаб киши армияда хизмат қилмоқда. У шуларнинг ҳар бирига ёқадиган сўз топа билади.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЁҚУБОВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/VI да **Пиковая дама** (билетлар сотилган), 10/VI да **Севги ҳақида қисса** (билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/VI да **Ғариблар** (18.00), 10/VI да **Парвона** (12.00), **Келинлар қўзғолони** (19.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Москва давлат муз устида цирк артистларининг гастроллари, ХОККЕЙЧИ АЙИҚЛАР** (19.30).

КИНО

9 ИЮНДА

КЕЧКИ БИНОДА

Елғончи — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ номли (18, 20.30), «ЧАЙКА» (кечқурун).

Шарқий экспрессдаги қотиллик — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (20.00).

Гайдуклар шарафи — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

ЭЗГИ БИНОДА

Маринка, Янка ва қирол қасрининг сири — ХИВА (20.45).

Музика садолари — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.45).

10 ИЮНДА

КЕЧКИ БИНОДА

Елғончи — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (12, 14, 16, 18, 20.30), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Шарқий экспрессдаги қотиллик — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (12, 16, 20.00).

Гайдуклар шарафи — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

ЭЗГИ БИНОДА

Маринка, Янка ва қирол қасрининг сири — «ХИВА» (20.45).

Музика садолари — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.45).

ТОШКЕНТ «ШАРҚ» МЕБЕЛЬ БИРЛАШМАСИНИНГ БОШ КОРХОНАСИДА

(Жомий кўчаси, кенгашлар зали)

10 июнь соат 10.00 да

Тошкент индустриал техникумини 1958 йилда битирганлар билан

АНЪАНАВИЙ УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛАДИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети

ЎЗБЕКИСТОН ССР «МИНМОНТАЖСПЕЦСТРОЙ»

БАЗАСИГА ҚАРАШЛИ

83-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИГА 7—10 СИНФНИ ТАМОМЛАГАН 14—17,5 ЁШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Слесарь-сантехниклар, слесарь-вентиляциячилар, электр-пайвандчилар. Ўқиш муддати — 2—3 йил.

Слесарь-монтажчилар, токарлар, автослесарлар, машинист-кранчилар, монтажчилар. Ўқиш муддати — 3 йил.

Электр пайвандчилар, огнеупорчилар, монтажчилар. Ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртида 1 йил муддат билан ўқиган ўқувчилар 3 маҳал овқат билан таъминланадилар ва 30 сўмгача стипендия ёки овқат билан таъминланмай 60 сўм стипендия олишлари мумкин.

Билим юртида 3 йил муддат билан ўқиган ўқувчилар билим юртини битирганлиги тўғрисида ва ўрта маълумот ҳақида ҳамда 3 — 4 разрядга эга бўлганлиги тўғрисида ҳужжатлар берилади.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ ИШ СТАЖИГА КИРАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртига қабул қилинганлар бепул кийим-бош, 3 маҳал иссиқ овқат, бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш таълими даврида иш ҳақининг 33 процента тўланади.

Ўрта маълумотга эга бўлган ўқубчилар билим юртини тугатганларидан сўнг олий ўқув юртларининг сиртқи ва кечки бўлимларига конкурссиз қабул қилинадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Оқдарё кўчаси, 122-уй (15, 26-автобусларнинг «Поликлиника», 7, 12, 52, 68, 37-автобусларнинг «Ёг-мой комбинати» бекатлари).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

9 ИЮНЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.45 «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.50 «Фан оламида». 19.20 В. Моцарт. Ре мажор сонатаси. Халқаро конкурслар лауреати В. Крайнев ижро этади. 19.35 РСДРП II съезднинг 75 йиллигига. Ҳужжатли фильмлар программаси. «Ленин Прагада», «Партиянинг Иккинчи съездн ҳақида ҳикоя». 20.20 «Истеъдод». Кўп серийли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. «Бош конструктор». 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 П. И. Чайковский номли VI халқаро конкурснинг тантанали очилиши. Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ираннинг кундалиги». Болалар учун телефильм. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 70-йиллар комсомоллари» (рус.). 18.45 «Ишлаб чиқариш резервлари — беш йилликка». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Чечен-Ингуш тоғларида». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.40 «Ижод гулшани». Телевизион журнал. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Қўшиқ ва рақс». Концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ғалла — ризқ-рўзимиз». 22.15 «Экранда — кинокомедия». «Осмон калити». Бадиий фильм. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Абитуриентлар учун Биология (рус.). 19.30 «Тошкент» телепрограммаси. 20.00 «Сўзимизни иш билан оқлаймиз». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.15 Тошкент янгиликлари. 20.35 Абитуриентлар учун. Биология. 21.05 Балетлардан саҳналар. 21.35 Абитуриентлар учун. Физика. (рус.).

10 ИЮНЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Сэмбо». Мультфильм. 19.05 «1978 йил қўшиқлари». 19.35 «Вазият». Евг. Вахтангов номли Давлат академик театри фильм-спектаклининг премьераси. Автор — В. Розов. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Салом, фестиваль!» Ёшлар программаси. 23.30 «Чет эл эстрадасининг қўшлари ва оҳанглари». 00.15 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Биз — Андижонданмиз». Бадиий ҳаваскорлар коллективларининг чиқиши. 11.45 Абитуриентлар учун. «Иншони қандай ёзиш керак». 12.15 «Ота-оналар университети». 12.45 Мустай Карим. «Оловни ташлама, Прометей». Ғафурий номли Бошқирд академик драма театрининг спектакли. 14.45 «Ўзбекистонда спорт» (рус.). 17.35 Кўрсатувлар программаси. 17.40 «Бизнинг уйча». Болалар учун мультфильм. 17.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат гунчалари».

18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар». 18.45 «Ўзбекистон ягона оилада». Краснодар ўлкаси ва Сурхондарё области шоликорларининг мусобақаси (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Шеърият билан учрашув». Асқад Мухтор. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Мен — балерина». СССР халқ артисти Бернора Қориева ижоди ҳақида телевизион фильм-концерт. 21.20 «Қўшилн ўлка жилолари». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Гўза парваришини сифатли ўтказайлик». 22.15 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси «Лазги» ансамблининг концерти. 23.05 «Рақс оҳанглари». Телевизион фильм-концерт. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Юлдузча». Октябрятлар учун программа. 18.05 Телевизион фильм-концерт. 18.45 «Новости» информацион программаси. 19.00 Ёшлар учун ҳарбий-спорт программаси. 20.00 «Ватанпарвар». 20.30 «Ахбор» информацион программаси. 20.50 Телетомошабинларнинг талабларига биноан концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 Душанба кўрсатувларининг охири.

Киров район халқ маорифи бўлими, маорифчилар касаба союз комитети ва 63-мактаб коллективи шу мактабнинг тарих ўқитувчиси

Зуҳриддин **НАЖИМОВ**нинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

9 ИЮНЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия гурмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р—07640. Узбекистон Компартилси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1330.